





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ҲИСОБВАРАҚЛАР РЕЖАСИ (янги таҳрирда)

(Давоми. Боши 5-8, 11-12, 14, 16-20, 23, 25-сонларда).

**Ҳисобварақларнинг дебетида** “Давлат белгиси” ДИЧБ омборхонасидан Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармаларининг Ҳисоб-китоб касса марказларига келиб тушган муомалага чиқарилмаган янги намунадаги банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303-Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** Марказий банкнинг янги намуналардаги банкнот ва тангаларнинг муомалага чиқарилиши ва тавсифи тўғрисидаги ахбороти оммавий ахборот воситаларида эълон қилингандан сўнг, Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан Ҳисоб-китоб касса марказларининг Захира фондидан муомалага чиқарилган ва жўнатилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303-Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**90131- Йўлдаги муомалага чиқарилмаган банкнотлар**

**90138- Йўлдаги муомалага чиқарилмаган тангалар**

**Ҳисобварақларнинг таърифи:** Республика Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан ҳудудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида бир бирига етказиб бериш мақсадида жўнатилган, лекин ҳали келиб тушганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган, йўлдаги банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақларнинг дебетида** Республика Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан ҳудудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида бир бирига етказиб бериш мақсадида жўнатилган, лекин ҳали келиб тушганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган, йўлдаги банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида қуйидагича ҳисобварақ кредитланади 96303- Нақд банкнот ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи.

**Ҳисобварақларнинг кредитида** Республика Марказий банкнинг хизмат фармойишига асосан ҳудудий Бош бошқармаларнинг Ҳисоб-китоб касса марказлари ўртасида бир бирига етказиб бериш мақсадида жўнатилган банкнот ва тангаларнинг келиб тушганлиги тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларга асосан ҳисобдан чиқарилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303-Валюталар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**90145- Йўқ қилиш учун муомаладан қайтариб олинган банкнотлар ва тангалар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотган, муомаладан қайтариб олинган ва амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ алмаштириб берилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Ҳисоб-Китоб Касса Марказлари томонидан йўқ қилиш учун муомаладан қайтариб олинган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бош биносига сақлаш учун жўнатилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** Ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотган, муомаладан қайтариб олинган ва амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ алмаштириб берилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303-Валюталар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** Ўзининг ҳуқуқий кучини йўқотган, муомаладан қайтариб олинган ва амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга мувофиқ алмаштириб берилган ва Марказий банкнинг Бош биносига сақлаш учун жўнатилган банкнот ва тангаларнинг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96303-Валюталар ҳаракати бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**90149-Ҳудудий Бош бошқармаларнинг нақд пулни захира фондидан айланма кассага ўтказиш учун Марказий банкдан олган рухсатномалари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Ҳудудий Бош бошқармаларнинг нақд пулни захира фондидан айланма кассага ўтказиш учун Марказий банкдан олган рухсатномалари ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетида-муомалага пул чиқариш учун** Республика Марказий банкдан олинган рухсатномалар суммалари акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** муомалага пул чиқариш учун ҳудудий Бош бошқармалар томонидан ХХКМига берилган рухсатнома суммаси ҳамда бекор қилинган ва ишлатилмаган, 96397-«Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари контр ҳисобварағи»га кирим қилинган рухсатномалар акс эттирилади. Ойнинг 1-санасига 90149-ҳисобварақда қолдиқ бўлмаслиги лозим.

Ҳисоб ҳудудий Бош бошқармаларда юритилади. Муомалага пул чиқариш тўғрисида берилган рухсатномаларнинг ҳисоби алоҳида махсус шаклдаги дафтарларда юритилади. Захира фондига кирим қилинган суммаларнинг ҳисоби юритиш учун ҳам худди шундай дафтар тутилади.

**90300 ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БЛАНКЛАРИ**  
**90303- Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкларини**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** бирламчи бозорда сотиш учун ҳамда эмитентларнинг топшириғи бўйича тўланган ва йўқ қилишга мўлжалланган давлатнинг қимматли қоғозлари бланкларини ҳисобга олинади. Бирламчи бозорда сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бланкларини номинал қийматда, тўланган қимматли қоғозлар бланкалари “донаси 1 сўм” бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетида** бирламчи бозорда сотиш учун ҳамда эмитентларнинг топшириғи бўйича тўланган ва йўқ қилишга мўлжалланган давлатнинг қимматли қоғозлари бланкларини акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96305-Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкларини бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитида** сотилган (тарқатилган) ёки эмитентларга қайтарилган, шунингдек ҳисобдорлик шаклида берилган давлатнинг қимматли қоғозлари бланкларининг қиймати акс эттирилади Бундан ташқари ушбу ҳисобварақда йўқ қилинган ёки эмитентларга қайтарилган, тўланган қимматли қоғозлар бланкларини акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96305-Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкларини бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** қимматли қоғозлар турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**90305- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** бирламчи бозорда сотишга, шунингдек тўланган, йўқ қилиш учун мўлжалланган Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари ҳамда нақдсиз шаклдаги қимматли қоғозларнинг ҳисоби юритилади. Бирламчи бозорда сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бланкалари ҳамда нақдсиз шаклдаги қимматли

қоғозлар номинал қийматда, тўланган ва йўқ қилиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар донаси «1 сўм» қиймат билан шартли баҳоланиб ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ сифатида 96310 – «Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ» ишлатилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** бирламчи бозорда сотиш мўлжалланган, шунингдек тўланган, йўқ қилиш учун қабул қилинаётган Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари ҳамда нақдсиз шаклдаги қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96307 – «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ» кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** сотилган, тўланган ёки йўқ қилинган Марказий банк қимматли қоғозларининг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96307 – «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ» дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** қимматли қоғозлар турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**90312- Марказий банкнинг қайта сотиш учун сотиб олинган қимматли қоғозлари»**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** қоплаш муддати келгунча қайта сотиш мақсадида сотиб олинган Марказий банкнинг ўз қимматли қоғозлари ҳисоби юритилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ сифатида 96312 – «Марказий банкнинг қайта сотиш учун сотиб олинган қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ» ишлатилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** банк томонидан сотиб олинган ўз қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** қайта сотилган қимматли қоғозларнинг номинал қиймати акс эттирилади.

**Аналитик ҳисоб** қимматли қоғозларнинг турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**90317- Бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** бирламчи бозорда сотиш учун ҳамда тўланган ва йўқ қилишга мўлжалланган бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари ҳисобга олинади. Бирламчи бозорда сотиш учун мўлжалланган қимматли қоғозлар бланкалари номинал қийматда, тўланган қимматли қоғозлар бланкалари «донаси 1 сўм» бўлган шартли баҳода ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** бирламчи бозорда сотиш учун ҳамда тўланган ва йўқ қилишга мўлжалланган бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96315-Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** сотилган ёки тўланган ва йўқ қилинган бошқа ташкилотлар ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96315-Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** қимматли қоғозлар турлари бўйича шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**90900 САВДОГА ОИД МОЛИЯЛАШЛАР**

**90908- Тўловчи томонидан ХККМларда очилган қопланган аккредитив**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** тўловчининг шахсий маблағларидан ёки унга берилган кредит ҳисобидан маҳсулот етказиб берувчининг банки тасарруфига маблағларни банк-эмитентнинг мажбуриятлари бутун амал қилиш муддати давомида ўтказиб берадиган қопланган аккредитивларнинг банк-эмитентдаги ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96308-«Қопланган аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўланган аккредитив суммаси, шунингдек, тўлиқ фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитив суммаси акс эттирилади.

**Тахлилий ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади».

**90909-Тақдим этувчига тратталарни тўлаган ҳолдаги импорт билан боғлиқ тўланмаган аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** импортчи топшириғи асосида чет элдан товарлар ва хизматларнинг импорти бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун хорижий бенефициар(экспортёр)лар фойдасига очилган тратталарга қарши тақдим этувчига қўйилган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96309-«Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** очилган аккредитив суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** импортчи банки томонидан акцептланган тақдим этувчига қўйилган тратталар асосидаги аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

**Тахлилий ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**90916- Муддатли тратталарга қарши қўйилган импорт билан боғлиқ тўланмаган аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** маҳсулот етказиб берувчининг молиявий кредитлаши асосида очилган ёки муддатли тратталарга қарши қўйилган импорт билан боғлиқ аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96309 «Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ» ҳисобварақ дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** импортчи банки томонидан акцептланган тратталар асосидаги аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камайиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

**Тахлилий ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**90923- Муддати узайтирилган хорижий аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** импорт қилинган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб- китобларда тўловларни қисмларга бўлиб амалга ошириш учун, одатда бир йилдан ошиқ муддатга очилган хорижий аккредитивлар суммаси ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** хорижий аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** импортёр банки томонидан акцептланган, бенефициар (экспортёр)лар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин импортёрга қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96309 -Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир хорижий аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**90930- Муддати узайтирилган маҳаллий аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** жўнатилган товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича маҳаллий ҳисоб-китобларда тўловларни қисмларга бўлиб амалга ошириш учун, одатда бир йилдан ошиқ муддатга очилган хорижий аккредитивлар суммаси ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** маҳаллий аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўловчининг банки томонидан акцептланган, бенефициар (олувчи)лар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир маҳаллий аккредитив бўйича

алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90937- Хорижий револьвер аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** револьвер аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади. (Револьвер аккредитив - эмитент-банк томонидан аккредитивни фойдалангандан кейин бошланғич суммасига қайта тиклаш мажбурияти) Тартибга мувофиқ револьвер аккредитивлар бир йилга ва бир йилдан юқори бўлган муддатга очилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96309-“Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси ҳамда қайта тикланган аккредитивнинг фойдаланган қисмининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** аккредитив бўйича тўловлар суммаси, шунингдек фойдаланилмай қолган қисми бўйича қайтарилган суммаси, аккредитивнинг камаиш суммаси ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **90944-Хорижий захира аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган, хорижий бенефициарлар фойдасига очилган аккредитивлар суммасининг ҳисоби олиб борилади. Аккредитив иш юзасидан бўладиган (деловой) операцияларнинг бажарилиши учун кафолат вазифасини бажаради.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўловчининг банки томонидан акцептланган, бенефициар (экспортёр)лар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90951-Маҳаллий захира аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** товарларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлмаган, маҳаллий бенефициарлар фойдасига очилган аккредитивлар суммасининг ҳисоби олиб борилади. Аккредитив иш юзасидан бўладиган (деловой) операцияларнинг бажарилиши учун кафолат вазифасини бажаради.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўловчининг банки томонидан акцептланган, бенефициар (олувчи)лар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90955- Импорт билан боғлиқ тасдиқланган аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** экспортёрлар фойдасига импортёр банкида очилган ва эмитент-банк илтимоси бўйича импортёр банк томонидан тасдиқланган аккредитивлар суммасининг ҳисоби олиб борилади. Бунда тасдиқлаган банк аккредитив билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўловчининг банки томонидан акцептланган, бенефициар (экспортёр)лар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида

шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **90958- Экспорт билан боғлиқ тасдиқланган аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** маҳаллий экспортёрлар фойдасига хорижий импортёр банкида очилган, яъни хорижий вакил банкларидан келиб тушадиган ва экспортёр банк томонидан тасдиқланадиган аккредитивлар суммасининг ҳисоби олиб борилади. Аккредитив хорижий импортёр банкида очилади ва маҳаллий экспортёр банк экспортёрдан товарни экспорт қилгунгача аккредитивни тасдиқлашни сўрайди. Бунда банк экспортёр аккредитив билан боғлиқ бўлган барча мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96316-Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** импортёр банки томонидан акцептланган, маҳаллий экспортёрлар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **90960- Хабар қилинган импорт билан боғлиқ аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** импортёр банкнинг вакил-банкида экспортёр банкнинг вакил банкига очилган аккредитив суммасининг ҳисоби олиб борилади. Бунда вакил банк аккредитивнинг бажарилиши бўйича ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўловчининг банки томонидан акцептланган, бенефициар (экспортёр)лар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **90961- Хабар қилинган экспорт билан боғлиқ аккредитивлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** экспортёрнинг фойдасига импортёрнинг банкида очилган ва очилганлиги тўғрисида банк импортёр томонидан экспортёр банкка хабар қилинган аккредитивларнинг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** аккредитив суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96316-Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** импортёр банки томонидан акцептланган, экспортёрлар фойдасига ўтказиб берилган аккредитив суммаси, шунингдек фойдаланилмаган, муддати тугагандан кейин тўловчига қайтарилган ёки бекор қилинган аккредитивлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир аккредитив бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **90962-Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади (Картотека №1). Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96319-“Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** тўлов муддатини ва/ёки тўловчининг акцептлашини (розилигини) кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** тўлов муддати келган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **90963-Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари**

**Хисобварақнинг таърифи:** тўловчиларнинг ҳисобварақларида маблағларнинг йўқлиги ёки етарли эмаслиги сабабли, шунингдек қонунчиликка мувофиқ бошқа (ҳисобварақ арестга олинганда, ҳисобварақ блокировка қилинганда ва бошқа) ҳолларда муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади (Картотека №2).

**Хисобварақнинг дебетида** муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96321-Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** тўлиқ ёки қисман-қисман тўланган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси, шунингдек акцептланмасдан рад қилиш натижасида қайтарилган ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96321-Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир мижоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90965- Инкассога қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар**

**Хисобварақнинг таърифи:** инкассога қабул қилинган маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг, чекларнинг, шунингдек бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақда тўлов ҳужжатлари тўловлар муддати келгунга қадар ҳисобга олинади.

**Хисобварақнинг дебетида** инкассога қабул қилинган маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг, чекларнинг, шунингдек ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96323-Инкассога қабул қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** тўлиқ ёки қисман-қисман тўланган ҳамда акцептланмасдан рад қилиш натижасида қайтарилган ёки 90963 "Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари" ҳисобварағига ўтказилган инкассога қабул қилинган маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг, чекларнинг, шунингдек ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96323-Инкассога қабул қабул қилинган маҳаллий (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** мижозлар ва инкассога қабул қилинган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90969-Бартер шартномалари**

**Хисобварақнинг таърифи:** мижозларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган контрагентлари билан ўзаро товар етказиб беришлик асосида тузган бартер шартномаларининг ҳисоби олиб борилади.

**Хисобварақнинг дебетида** бартер шартномасининг умумий суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96317-Бартер шартномалари бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** қабул қилинган ва сотилиши зарурий бўлган товарларнинг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96317-Бартер шартномалари бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир бартер шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90972-Инкассога қабул қилинган хорижий (ички) векселлар**

**Хисобварақнинг таърифи:** хорижий вакиллардан инкассога қабул қилинган векселларнинг, тратталарнинг ёки чекларнинг, шунингдек бошқа ҳисоб-китоб ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади.

**Хисобварақнинг дебетида** инкассога қабул қилинган маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг, чекларнинг, ҳисоб-китоб ҳужжатларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96323-Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** акцептланган, тўланган ҳужжатларнинг, шунингдек тўлов тўғрисида рад жавоби келган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96323-Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** мижозлар ва инкассога қабул қилинган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобва-

рақларда юритилади.

#### **90979-Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар**

**Хисобварақнинг таърифи:** мижозлардан инкассога қабул қилинган ва тўловини ёки акцептини олиш учун жўнатилган маҳаллий векселларнинг, тратталарнинг ёки чекларнинг, шунингдек бошқа тўлов ҳужжатларининг ҳисоби олиб борилади.

**Хисобварақнинг дебетида** инкассога жўнатилган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96330-Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** банк томонидан тўланган ва/ёки акцептланган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96330-Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** мижозлар ва инкассога жўнатилган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90986-Инкассога жўнатилган хорижий (ташқи) векселлар**

**Хисобварақнинг таърифи:** тижорат кредити ҳисобига тўловни олиш учун чет элга жўнатилган инкассо топшириқ-номалари бўйича мижозлардан қабул қилинган товар ҳужжатларининг ва тратталарнинг ҳамда акцептланган тратталарнинг тижорат кредити ҳисобига тўлов учун чет элга жўнатилган ва тўлови аккредитивлар билан таъминланувчи тратталар ва векселлардан ташқари хорижий банкларда жойлашган акцептланган тратталарнинг ҳамда векселларнинг ҳисоби олиб борилади.

**Хисобварақнинг дебетида** чет элга инкассога жўнатилган ҳужжатларнинг ва акцептланган тратталарнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96330-Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** тўланган ҳужжатларнинг ва/ёки хорижий банклар томонидан акцептланган ҳужжатларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96330-Инкассога жўнатилган маҳаллий (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир хорижий вакил-банк, мижоз ва инкассога жўнатилган ҳужжатларнинг тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **90993- Кафолат ва кафилликлар**

**Хисобварақнинг таърифи:** ушбу ҳисобварақда мижозлар фойдасига банк томонидан берилган ёки тасдиқланган кафолат ва кафилликларнинг, шунингдек, банк томонидан авалланган бошқа эмитентларнинг векселларининг номинал қиймати суммаси ҳисоби олиб борилади.

**Хисобварақнинг дебетида** берилган кафолатларнинг суммаси, шунингдек, банк томонидан авалланган бошқа эмитентларнинг векселлари номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96337-Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Хисобварақнинг кредитида** фойдаланилган, шунингдек, фойдаланишга эҳтиёж қолмаган ва ўрнатилган тартибда муддати ўтиши билан йўқ қилинган кафолатларнинг суммаси ҳамда банк томонидан авалланган бошқа эмитентларнинг қопланган векселлари номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96337-Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир кафолат бўйича, шунингдек, авалланган векселларнинг тури ва муддати бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **91500 АКТИВЛАР БҲЙИЧА ФОИЗЛАР ВА ВОСИТАЧИЛИК ҲАҚЛАРИ**

##### **91501-Берилган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган фоизлар**

**Хисобварақнинг таърифи:** муддати ўтган ва ўрнатилган қоидаларга мувофиқ балансдан ҳисобдан чиқарилган, берилган муддатли ва шартлари қайта кўриб чиқилган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар, шунингдек «фоиз ўстирмаслик» мақомига ўтказилган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланадиган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Шу билан биргаликда ушбу ҳисобварақда муддати ўтган ҳамда суд

жараёнидаги кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисобга олинади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335-“Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** қопланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91503-Берилган кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича муддати узайтирилган фоизлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Ҳукуматнинг қарорига мувофиқ равишда муддатли кредитлар ва қарзлар (займлар) бўйича ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335-“Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** қопланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган суммалар акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91505-Бошқа активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** бошқа активлар ва воситачиликлар бўйича ҳисобдан чиқарилган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96335 “Активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари контр-ҳисобварағи” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** бошқа активлар бўйича олиниши лозим бўлган муддати ўтган ва/ёки ҳисобланган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** бошқа активлар бўйича тўланган ва/ёки ҳисобдан чиқарилган фоизлар ва воситачилик ҳақлари суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир миқоз бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**91800 МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ КРЕДИТ ВА ЗАЙМ МАЖБУРИЯТИ**

**91809-Марказий банкнинг кредит ва займ бериш мажбурияти**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Марказий банкнинг миқозларга ёки бошқа банкларга кредит ва займ бериш мажбурияти ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** Марказий банкнинг кредит ва займ бериш бўйича мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96351 -Банкнинг кредит ва займ бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** кредит ва займ бериш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларининг суммаси, шунингдек, қисман амалга оширилган тўловларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96351 -Банкнинг кредит ва займ бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**91816-Марказий банкнинг кредит ва займ олиш мажбурияти**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Марказий банкнинг миқозлардан ёки бошқа банклардан кредит ва займ олиш мажбуриятларининг ҳисоби юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** Марказий банкнинг кредит ва займ олиш бўйича берган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96358 -Банкнинг кредит ва займ олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** кредит ва займ олиш бўйича ижро этилган ёки бекор қилинган мажбуриятларининг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96358 -Банкнинг кредит ва займ олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** мажбуриятлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**91900 ҚАРЗДОРЛАРНИНГ КРЕДИТ ВА ЗАЙМ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**91901-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Марказий банк томонидан банкларга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган қисқа муддатли кредитларнинг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** банкларга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган қисқа муддатли кредитларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96345 -қисқа муддатли кредитлар бўйича қарздорларнинг контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** банклар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўлиқ тўланган қисқа муддатли кредитларнинг суммаси акс эттирилади. Бўлиб тўланган қисқа муддатли кредитларнинг суммаси мажбуриятлар акс этган ҳужжатнинг орқа томонида, берилган кредит тўлиқ қоплангунча қайд этиб борилади. қисқа муддатли кредитлар тўлиқ қайтарилгандан кейин 96345 -қисқа муддатли кредитлар бўйича қарздорларнинг контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** қисқа муддатли кредитлар алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**91905-Қарзлар (займлар) бўйича қарздорларнинг мажбуриятлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** Марказий банк томонидан банкларга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган қарзлар (займлар)нинг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** банкларга ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган қарзлар (займлар)нинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзиди 96349 -қарзлар (займлар) бўйича қарздорларнинг контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** банклар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўлиқ тўланган қарзлар (займлар)нинг суммаси акс эттирилади. Бўлиб тўланган қарзлар (займлар) суммаси мажбуриятлар акс этган ҳужжатнинг орқа томонида, берилган кредит тўлиқ қоплангунча қайд этиб борилади. Қарзлар (займлар) тўлиқ қайтарилгандан кейин 96349 -қарзлар (займлар) бўйича қарздорларнинг контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** қарзлар (займлар) алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

**92700 ҲОСИЛАВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР БҲЙИЧА ТРАНСАКЦИЯЛАР**

**92701-Фьючерс битими бўйича сотиш**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** молиявий инструментни (фьючерс – бу, келажакда етказиб бериладиган молиявий инструментни сотиш ёки сотиб олиш бўйича стандарт шартномадир) сотиш бўйича фьючерс битими ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96361 -“Фьючерс битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** молиявий инструментни сотишга асосланган фьючерс шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** фьючерс шартномалари бўйича сотилган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир фьючерс шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

**92705-Фьючерс битими бўйича сотиб олиш**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** молиявий инструментни (фьючерс – бу, келажакда етказиб бериладиган молиявий инструментни сотиш ёки сотиб олиш бўйича стандарт шартномадир) сотиб олиш бўйича фьючерс битими ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96363 -“Фьючерс битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи” дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** молиявий инструментни сотиб олишга асосланган фьючерс шартномаларининг суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** фьючерс шартномалари бўйича сотиб олинган молиявий инструментнинг суммаси акс эттирилади.





кинчи қисмини бажарилиши бўйича банк томонидан сотилган қимматли қоғозларнинг қиймати акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** шартнома ва қимматли қоғозлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

### **93600 САКЛАНАЁТГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТБАҲО БУЮМЛАР**

#### **93609-Сақланаётган қимматбаҳо буюмлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** сақланаётган қимматликлар ва бошқа ҳужжатларнинг ҳисоби олиб борилади. Сақланишга қабул қилинган қимматликлар шартли баҳода "доноси 1 сўм" қийматда ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** сақланишга қабул қилинган қимматбаҳо буюмлар ва бошқа ҳужжатларнинг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96379-Қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** эгаларига қайтарилган ёки ўрнатилган тартибда ушбу ҳисобварақдан ҳисобдан чиқарилган қимматбаҳо буюмлар ва бошқа ҳужжатларнинг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96379-Қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** қимматбаҳо буюмлар ва ҳужжатлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **93616-Давлатнинг шартли тарзда сақланаётган қимматли қоғозлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** топшириқ, воситачилик ёки сақлаш шартномаларига асосан шартли тарзда сақлаш учун олинган облигациялар ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозлари ҳисоби номинал қийматида юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** шартли тарзда сақлашга қабул қилинган, шунингдек, топшириқ ва воситачилик шартномаларига асосан сотиш учун олинган облигациялар ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96379-Қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** топшириқ ёки воситачилик шартномалари бўйича сотилган облигация ва давлатнинг бошқа қимматли қоғозларининг, сотилмаган ва мижозларга қайтарилган, шунингдек, шартли тарзда сақлаш ҳисобидан чиқарилган давлатнинг қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96379-Қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **93623-Сақланаётган хусусий қимматли қоғозлар/тижорат ҳужжатлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** хусусий корхоналарнинг топшириқ, воситачилик ёки сақлаш шартномаларига асосан олинган қимматли қоғозларининг, шунингдек сақланаётган тижорат ҳужжатларининг ҳисоби номинал қийматида юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** сақлаш учун қабул қилинган қимматли қоғозлар ва тижорат ҳужжатларининг номинал қиймати, шунингдек топшириқ ёки воситачилик шартномалари шартномаларига асосан сотиш учун олинган хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозларининг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96379-Қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** топшириқ ёки воситачилик шартномалари бўйича тарқатилган (сотилган) қимматли қоғозларнинг, тарқатилмаган ва мижозларга қайтарилган, шунингдек сақланиш ҳисобидан чиқарилган хусусий корхоналарнинг қимматли қоғозларининг ва тижорат ҳужжатларининг номинал қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96379-Қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир шартнома бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **94500 ГАРОВ СИФАТИДА БЕРИЛГАН ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР, МУЛКЛАР ВА МУЛКИЙ ХУҚУҚ(ТАЛАБ)ЛАР**

**9450-Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар**  
**Ҳисобварақнинг таърифи:** берилган кредитлар таъ-

миноти сифатида қабул қилинган қимматли қоғозларнинг ҳисоби олиб борилади. Қимматли қоғозлар қабул қилинган таъминот суммасида ҳисобга олинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** берилган кредитларнинг таъминоти сифатида олинган қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** кредитлар қайтарилмаганда фойдаланилган таъминот суммаси, шунингдек, кредитлар қайтарилгандан кейин ва кредит шартномалари ёпилгандан кейин мижозларга қайтарилган қимматли қоғозлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **94502-Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** берилган ссудаларга ва бошқа кредитларга гаров сифатида олинган ва сақланаётган мулклар, мулкий ҳуқуқ(талаб)ларнинг ҳисоби олиб борилади. Гаров сифатида олинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар ҳисобвараққа гаров бўйича шартнома тузилган вақтдаги баҳоланган қиймати бўйича кирим қилинади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** гаров таъминоти сифатида қабул қилинган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)ларнинг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** гаровга қабул қилинган фойдаланилган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)ларнинг суммаси ёки ссудалар ва улар бўйича ҳисобланган фоизлар қоплангандан кейин қайтариладиган мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)ларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **94503-Гаров сифатида олинган кафолат ва топшириқ(нома)лар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** берилган кредитларнинг таъминоти сифатида қабул қилинган кафолат ва топшириқларнинг, шунингдек, суғурта полисларининг ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** берилган кредитларнинг таъминоти сифатида қабул қилинган кафолат ва топшириқларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** кредитлар қайтарилмаганда фойдаланилган таъминот суммаси, шунингдек кредитлар қайтарилгандан кейин ва кредит шартномалари ёпилгандан кейин кафолатлар ва топшириқларнинг муддати ўтиши билан ўрнатилган тартибда фойдаланилмаган ва бекор қилинган суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир кредит шартномалари бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **94504-Олинган кредитлар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** банк томонидан олинган кредитлар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозларнинг ҳисоби номинал қийматида юритилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди:** олинган кредитлар таъминоти сифатида Марказий банк томонидан берилган қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкий ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** кредит қайтарилмаган вақтда кредитор томонидан фойдаланилган(ишлатилган, сарф қилинган) сумма, шунингдек, кредитлар қайтарилгандан кей-

ин ва кредит шартномалари ёпилгандан кейин Марказий банкка қайтарилган қимматли қоғозларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96381-Гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ (талаб)лар бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир кредит шартномаси бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **95400 БОШҚА КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**

**95409-Қарздорга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** гаровга олинган мол-мулкнинг қарздорларга/дебеторларга берилган ссуданинг тўланмаган суммаси билан солиштирилгандаги кам чиққан қиймати натижасида қарздорларга/дебеторларга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар ҳисоби олиб борилади.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** гаровга олинган мол-мулкнинг берилган ссуданинг тўланмаган суммаси билан солиштирилгандаги кам чиққан қиймати натижасида қарздорларга/дебеторларга билдирилган даъволар бўйича олинадиган маблағлар акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96397-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** ссуда қарзлари бўйича қарздорларга/дебеторларга билдирилган даъволар асосида ундириб олинган маблағлар суммаси ёки ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқарилган қарзлар суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96397-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳар бир қарздор/дебетор бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **95411-Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** муддатида тўланмаган қимматли қоғозлар бўйича ва суд жараёнидаги қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96333- "Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи" дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** муддатида тўланмаган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек суд жараёнидаги қимматли қоғозлар бўйича олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** муддатида тўланмаган қимматли қоғозлар бўйича, шунингдек суд жараёнидаги қимматли қоғозлар бўйича ундириб олинган фоизлар суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** қимматли қоғозлар эмитентлари ва тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **95413-Ҳисобдан чиқарилган кредитлар ва қарзлар (займлар)**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** амалдаги қоидаларга мувофиқ равишда банк балансидан ҳисобдан чиқарилган кредитлар ва ёки қарзлар (займлар) (тўланмаган қисми)нинг ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ 96397- "Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ" дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** ҳисобдан чиқарилган кредит ва қарзлар (займлар) суммаси акс эттирилади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** қайта тикланган ёки тўланган кредитлар ва ёки қарзлар (займлар)нинг, шунингдек ўрнатилган муддат ўтиши билан бекор қилинган кредитлар ва ёки лизингларнинг суммаси акс эттирилади.

**Таҳлилий ҳисоб** ҳар бир қарздор бўйича кредит ва займ шартномаларига қараб алоҳида шахсий ҳисобварақларда олиб борилади.

#### **95497-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари**

**Ҳисобварақнинг таърифи:** юқоридаги туркум ҳисобварақлар таърифига мос тушмайдиган операциялар ҳисоби олиб борилади. Ушбу ҳисобварақ учун контр-ҳисобварақ контр-ҳисобварақ" дир.

**Ҳисобварақнинг дебетиди** кирим қилинган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг қиймати акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96397-Бошқа кўзда

тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварағи кредитланади.

**Ҳисобварақнинг кредитиди** ҳисобдан чиқарилган маблағлар, ҳужжатлар ёки бошқа қимматбаҳо буюмларнинг суммаси акс эттирилади. Бир вақтнинг ўзида 96397-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварағи дебетланади.

**Аналитик ҳисоб** ҳужжатлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар тури бўйича алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритилади.

#### **96300 КЎЗДА ТУТИЛМАГАН ҲОЛАТЛАР КОНТР-ҲИСОБВАРАҚЛАРИ**

96301-Банкнота ва тангаларни босмадан чиқариш (зарб этиш) бўйича буюртмалар контр-ҳисобварағи

96303-Нақд банкноталар ва тангаларнинг ҳаракати бўйича контр-ҳисобварақ

96305-Давлатнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ

96307-ЎзРМБ нинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ

96308-Қопланган аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ

96309-Импорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ

96312-Марказий банкнинг қайта сотиш учун сотиб олинган қимматли қоғозлари бўйича контр-ҳисобварақ

96315-Бошқа ташкилот ва муассасаларнинг қимматли қоғозлари бланкалари бўйича контр-ҳисобварақ

96316-Экспорт билан боғлиқ аккредитив бўйича контр-ҳисобварақ

96317-Бартер шартномалари бўйича контр-ҳисобварақ

96319-Тўлов муддатини кутаётган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ

96321-Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича контр-ҳисобварақ

96323-Инкассога қабул қилинган (ички) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ

96330-Инкассога жўнатилган (ташқи) векселлар бўйича контр-ҳисобварақ

96333-Олиниши лозим бўлган қимматли қоғозлар бўйича ҳисобланган фоизлар контр-ҳисобварағи

96335-Активлар бўйича фоизлар ва воситачиликлар ҳақлари контр-ҳисобварағи

96337-Кафолат ва кафилликлар бўйича контр-ҳисобварақ

96345-Қарздорларнинг қисқа муддатли кредитлар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи

#### **96349-Қарздорларнинг узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар бўйича мажбуриятлари контр-ҳисобварағи**

96351-Марказий банкнинг кредит ва займ бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ

96358-Марказий банкнинг кредит ва займ олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ

96361-Фьючерс битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи

96363-Фьючерс битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96365-Форвард битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи

96367-Форвард битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96369-Опцион битими бўйича сотиш контр-ҳисобварағи

96370-Опцион битими бўйича сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96371-Своп шартлари билан сотиш контр-ҳисобварағи

96373-Своп шартлари билан сотиб олиш контр-ҳисобварағи

96374-Қимматли қоғозларни сотиб олиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи

96376-Қимматли қоғозларни сотиш бўйича муддатли битимлар контр-ҳисобварағи

96379-Сақланаётган қимматли қоғозлар ва бошқа қимматбаҳо буюмлар бўйича контр-ҳисобварақ

96381-Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар, мулклар ва мулкый ҳуқуқ(талаб)лар бўйича контр-ҳисобварақ

**96397-Бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича контр-ҳисобварақ**

**Марказий банк Раиси  
ўринбосари**

**А.К. КОДИРОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI BOShQARUVI**  
**Қ А Р О Р И**

2006 йил 8 апрел

№ 9/7

Тошкент ш.

**ТИЖОРAT БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ДЕХҚОН**  
**ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ МАҚСАДЛИ**  
**МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**(ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН**  
**2006 йил 2 майда 1568-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 12 майдан кучга киради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли Қарорининг 3-бандининг ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви

**қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун им-

тиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири-лигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк**  
**Раиси**

**Ф.М.МУЛЛАЖОНОВ**

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Марказий банки Бошқаруви томонидан**  
**2006 йил 8 апрелдаги 9/7-сонли**  
**қарори билан тасдиқланган**  
**№ 636**

**ТИЖОРAT БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ДЕХҚОН**  
**ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ**  
**МАҚСАДЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги ПҚ-308-сонли «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Карори асосида ишлаб чиқилган бўлиб тижорат банклари томонидан кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар (кейинги ўринларда «микрокредитлар») бериш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мақсадида қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

шахсий ёрдамчи хўжалиқ - **қишлоқ, овул ва қўрғонларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун уй-жой қуриш учун берилган участкаларнинг бири қисми - томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида сотиш билан шуғулланадиган оилавий хўжалиқ;**

деҳқон хўжалиги - **оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириладиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги.**

2. Тижорат банклари томонидан кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар бериш мазкур Низомда белгиланган тартибга бinoан қайтаришлар, тўловлилиқ, таъминланганлик, муддатлилиқ ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

3. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларига чорвачиликни ривожлантириш учун бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам иш ҳақининг 80 бараваригачани ташкил этади.

4. Мазкур Низом асосида микрокредитлар фақат кам таъминланган оилаларга берилади. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқлари-ни кам таъминланган оилалар сифатида эътироф этиш қонунчили-ка белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган оилалар-га микрокредитлар ажратишга маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашлари тавсияномалари асос бўлиб хизмат қилади.

5. Ушбу микрокредитлар шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

6. Чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар қарз олув-чининг хоҳишига кўра пул ўтказиб бериш йўли билан ёки нақд пул шаклида берилади.

7. Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқ-дори Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси даражасидан юқори бўлмаган миқдорда белгиланади.

**II. Микрокредитларни бериш тартиби**

8. Шахсий ёрдамчи хўжалиқ юритувчи жисмоний шахслар ва деҳ-қон хўжалиқлари бошлиқлари чорвачиликни ривожлантириш мақсади-да микрокредит олиш учун, қоида тартиқида, ўзлари яшаб турган туманда жойлашган тижорат банклари филиалларидан бирига микро-кредит беришни сўраб ариза билан мурожаат этишлари лозим.

9. Микрокредитлар олиш учун шахсий ёрдамчи хўжалиги юри-тувчи жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредит беришни сўраб ариза;

2) маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокредит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожланти-риш учун банк томонидан микрокредит берилишига тавсияномаси;

3) микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги қонун ҳуж-жатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йиғ-мажилдига тикиб кўйилади. Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатида олинганлиги тўғрисидаги рўйхатга олувчи орган томонидан берил-ган гувоҳноманинг нусхаси ҳам кредит йиғмажилдига тикиб кўйи-лиши талаб этилади.

10. Маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинининг Кенгашлари томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан кре-дит берилиши тўғрисидаги тавсияномада шахсий ёрдамчи хўжали-ги ёки деҳқон хўжалигида қорамол боқиш учун шароит мавжудлиги, ушбу оила кам таъминланган оила эканлиги, унинг таркибида дои-мий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари мавжудлиги алоҳида таъкидланиши лозим. Тавсиянома маҳалла, қишлоқ, овул фуқаро-

лар йиғини Кенгашининг раиси томонидан имзоланиб, гербли муҳр қўйилган бўлиши лозим.

11. Қарз олувчилар микрокредитларни қайтарилишини таъми-ноти сифатида банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақ-дим этишлари мумкин:

мол-мулк гарови;  
банк ёки суғурта компанияси кафолати;  
учинчи шахс кафилиги;  
қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтарилмаслик хата-рининг банк-бенефициар фойдасига суғурта қилинганлиги тўғриси-даги суғурта полиси.

Микрокредит ҳисобига сотиб олинган қорамол мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сотиб олинган қорамол кредитни қайтариш таъминоти сифати-да гаровга олинганда, ушбу қорамол касалланиб ўлиб қолиши, ўғир-ланиши, табиий офатлар натижасида нобуд бўлиш ҳолларидан банк (бенефициар) фойдасига суғурта қилинади.

12. Кафилик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги 3 (уч) нусхада кафилик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охириги бетиде ка-фил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафилик қабул қилинганлиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади.

13. Микрокредит сўраб, мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатил-ган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, берилган ари-занинг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк филиали кредит қўмитаси томонидан ҳулоса бериш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдир-да, банк аризага бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

14. Тижорат банки филиали кредит қўмитасининг қарори узил-кесил бўлиб, микрокредитлар бериш ёки бермаслик учун асос ҳисоб-ланади.

15. Микрокредит шартномаси тузилган куннинг эртасидан кечик-тирмаган ҳолда банк томонидан қарз олувчига ссуда ҳисобварағи очилади.

16. Микрокредитларни бериш қарз олувчининг ссуда ҳисобвара-ғидан қарз олувчининг тўлов топшириқномасига асосан, кредит шартномасида кўрсатилган сума доирасидаги маблағларни чор-вачиликни ривожлантириш учун пул ўтказиб бериш ёки нақд пул бериш йўли билан амалга оширилади.

**III. Микрокредитларни қайтариш тартиби**

17. Шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс томо-нидан микрокредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар банк касса-сига нақд пул топшириш ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағи-дан пул ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

Деҳқон хўжалиги микрокредитнинг нақд пулда олинган қисми ва унга ҳисобланган фоизлар тўловини банк кассасига нақд пул топ-шириш йўли билан амалга оширилади.

18. Жисмоний шахсларга берилган микрокредитлар ҳисоби 14900-сонли «Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли ссу-далар» баланс ҳисобварақларида ва деҳқон хўжалиқларига берил-ган микрокредитларнинг ҳисоби 15000-сонли «Якка тартибдаги тад-биркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар» баланс ҳисобва-рақларида юритилади.

19. Тижорат банклари томонидан микрокредитдан фойдаланиш-нинг бутун муддати давомида фуқаролар йиғинининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгаши масъул ходими иштирокида микрокредит-дан самарали ҳамда мақсадли фойдаланилаётганлигини аниқ-лаш бўйича бевосита жойига чиқиб доимий мониторинг амалга оширилади.

20. Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тар-тибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан олдин ундириб олиш ҳуқуқи эга.

21. Микрокредит бўйича қарздорликни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар унди-рилади.

22. Микрокредитни қайтариш таъминоти сифатида учинчи шахс кафилиги қабул қилинган бўлиб, қарз олувчи микрокредитни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, банк, кафилдан микрокредит ва унга ҳисобланган фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тар-тибда ундириб олади.

23. Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақ-дирда банк ундирувчи гаров предметида ёки микрокредитнинг қай-тарилиш таъминоти сифатида тақдим этилган таъминотнинг бошқа шаклларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратади.

2006 йил 31 майдан  
12 июнгача бўлган  
даврда АҚШ долларининг  
миллий валюталарга  
нисбатан курсидаги  
ўзгаришлар\*

1 АҚШ доллари		Россия Федерацияси	
Йил	Қанда	Рубль	Рубль
30.05.2006	й.да	27,07	росс. рубль
31.05.2006	й.да	26,98	росс. рубль
01.06.2006	й.да	26,94	росс. рубль
02.06.2006	й.да	27,05	росс. рубль
05.06.2006	й.да	26,89	росс. рубль
06.06.2006	й.да	26,71	росс. рубль
07.06.2006	й.да	26,73	росс. рубль
08.06.2006	й.да	26,86	росс. рубль

Украина		Республикаси	
Йил	Қанда	Гривна	Гривна
30.05.2006	й.да	5,0500	гривна
31.05.2006	й.да	5,0500	гривна
01.06.2006	й.да	5,0500	гривна
05.06.2006	й.да	5,0500	гривна
06.06.2006	й.да	5,0500	гривна
07.06.2006	й.да	5,0500	гривна
09.06.2006	й.да	5,0500	гривна

Беларус Республикаси		Рубли	
Йил	Қанда	Бел.	Рубли
31.05.2006	й.да	2144,00	бел. рубль
01.06.2006	й.да	2144,00	бел. рубль
02.06.2006	й.да	2143,75	бел. рубль
05.06.2006	й.да	2144,50	бел. рубль
06.06.2006	й.да	2144,50	бел. рубль
07.06.2006	й.да	2144,50	бел. рубль
08.06.2006	й.да	2143,75	бел. рубль
09.06.2006	й.да	2144,50	бел. рубль
12.06.2006	й.да	2144,50	бел. рубль

Эстония		Крона	
Йил	Қанда	Крона	Крона
31.05.2006	й.да	12,1423	крона
01.06.2006	й.да	12,2545	крона
02.06.2006	й.да	12,1982	крона
05.06.2006	й.да	12,0825	крона
06.06.2006	й.да	12,1291	крона
07.06.2006	й.да	12,1963	крона
08.06.2006	й.да	12,2517	крона
09.06.2006	й.да	12,3581	крона
12.06.2006	й.да	12,3849	крона

Латвия		Лат	
Йил	Қанда	Лат	Лат
31.05.2006	й.да	0,5400	лат
01.06.2006	й.да	0,5450	лат
02.06.2006	й.да	0,5424	лат
05.06.2006	й.да	0,5375	лат
06.06.2006	й.да	0,5395	лат
07.06.2006	й.да	0,5425	лат
08.06.2006	й.да	0,5449	лат
09.06.2006	й.да	0,5497	лат
12.06.2006	й.да	0,5507	лат

Литва		Лит	
Йил	Қанда	Лит	Лит
31.05.2006	й.да	2,6796	лит
01.06.2006	й.да	2,7045	лит
02.06.2006	й.да	2,6912	лит
05.06.2006	й.да	2,6675	лит
06.06.2006	й.да	2,6765	лит
07.06.2006	й.да	2,6922	лит
08.06.2006	й.да	2,7039	лит
09.06.2006	й.да	2,7275	лит
12.06.2006	й.да	2,7332	лит

Молдова		Лей	
Йил	Қанда	Лей	Лей
31.05.2006	й.да	13,2000	лей
01.06.2006	й.да	13,2100	лей
05.06.2006	й.да	13,2200	лей
06.06.2006	й.да	13,2500	лей
07.06.2006	й.да	13,2500	лей
08.06.2006	й.да	13,3000	лей
09.06.2006	й.да	13,3300	лей
12.06.2006	й.да	13,3300	лей

Киргизистон Республикаси		Сом	
Йил	Қанда	Сом	Сом
03.06.2006	й.да	40,5226	сом
10.06.2006	й.да	40,4517	сом

Тожикистон Республикаси		Сомоний	
Йил	Қанда	Сомоний	Сомоний
30.05.2006	й.да	3,2214	сомоний
31.05.2006	й.да	3,2219	сомоний
01.06.2006	й.да	3,2224	сомоний
02.06.2006	й.да	3,2229	сомоний
09.06.2006	й.да	3,2343	сомоний

Қозғистон Республикаси		Тенге	
Йил	Қанда	Тенге	Тенге
31.05.2006	й.да	121,17	тенге
01.06.2006	й.да	121,28	тенге
02.06.2006	й.да	120,50	тенге
05.06.2006	й.да	120,33	тенге
06.06.2006	й.да	119,88	тенге
07.06.2006	й.да	119,81	тенге
08.06.2006	й.да	119,72	тенге
09.06.2006	й.да	120,18	тенге
12.06.2006	й.да	119,78	тенге

Швейцария		Франки	
Йил	Қанда	Франки	Франки
31.05.2006	й.да	1,2100	швейц. франки
01.06.2006	й.да	1,2224	швейц. франки
02.06.2006	й.да	1,2190	швейц. франки
05.06.2006	й.да	1,2053	швейц. франки
06.06.2006	й.да	1,2072	швейц. франки
07.06.2006	й.да	1,2150	швейц. франки
08.06.2006	й.да	1,2222	швейц. франки
09.06.2006	й.да	1,2317	швейц. франки
12.06.2006	й.да	1,2321	швейц. франки

Япония		Иенаси	
Йил	Қанда	Иенаси	Иенаси
31.05.2006	й.да	111,70	япон иенаси
01.06.2006	й.да	112,72	япон иенаси
02.06.2006	й.да	112,74	япон иенаси
05.06.2006			

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасида "Пахта Банк" тизимида маънавият ва маърифат йўналишидаги ишларни янада яхшилаш, "Давлат тили ҳақида"ги қонун ва "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Семинар ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят бошқармаларининг маънавият масалаларига мутасадди ходимлари ҳамда Самарқанд вилоятидаги 16 та филиалнинг шу йўналишдаги мутасадди ходимлари қатнашди. Шунингдек, Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ҳамда "Савдогарбанк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жуманазар Қиличев кириш сўзи билан очиб, иштирокчиларни қутлади ва вилоят бошқармасида маънавият-маърифат йўналишида амалга оширилаётган ишлар, бу борада ўтказилаётган тадбирларнинг жамоа ходимларини, айниқса ёшларни тарбиялашдаги роли тўғрисида гапириб берди.

Семинар Самарқанд вилоят маънавият ва маърифат маркази билан ҳамкорликда ўтказилди ва ушбу марказ раҳбари Йўлдош Суёнов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 3 апрелдаги "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий, тарғибот ва ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги Қароридан келиб чиқувчи вазифалар ҳамда мустақиллик даврида маънавий ва маърифий соҳада Самарқанд вилоятида амалга оширилган ислохотлар тўғрисида маъруза

қилди. Таниқли шоира Хосият Бобомуродованинг "Маънавият - қалбим кўёши" мавзуида чиқиши иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бажариш юзасидан "Пахта Банк" тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида, "Пахта Банк" тизимида маънавият ва маърифат йўналишидаги ишларни яхшилаш, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили ҳақида"ги ва "Лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида"ги қонунларнинг бажарилиши тўғрисида маъруза қилинди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг Самарқанд вилоят Бош бошқармаси кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б. Нарзиқулов сўзга чиқиб, семинар тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича барча вилоят бошқармалари вакиллари ҳисобот бердилар ва ўз таассуротлар, таклиф ва мулоҳазалар тўғрисида ўртоқлашдилар.

Тадбирнинг бадий қисмида "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси ёшлари "Банк ҳаётидан лавҳалар" мавзуида қизиқарли бадий сахналар намойиш этдилар.

*Банк тренинг маркази.*

## «ИШОНЧ» – ИШОНЧЛИ ОДИМЛАР БИЛАН

"Ишонч" кредит уюшмаси Жиззах вилоятида 2002 йил 16 ноябрдан Марказий банк томонидан берилган 5-сонли лицензияга асосан ўз фаолиятини бошлаган. "Ишонч" ҳам бошқа кредит уюшмалар сингари, вилоят аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилаш, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, аъзолари манфаатлари йўлида хизмат қилишни ўз олдига эзгу мақсад қилиб қўйган.

"Ишонч"нинг низом жамғармаси 1 апрел ҳолатига 33 млн. сўмни, жами активлар эса 485149 минг сўмни ташкил қилди. Бугунги кунда уюшма аъзоларининг сони 302 тадан 2 минг 674 тага етди ҳамда кредит портфели 410 млн. сўмни ташкил этди. 2006 йилнинг биринчи чораги давомида 680 та уюш-

ма аъзоларига 600 млн. сўмдан ортик кредитлар ажратилиб, улар асосан ишлаб чиқариш, фермерлик, савдо фаолиятини юритиш, истеъмол кредитлари учун берилган.

Кредитлашнинг асосий манбаи уюшма аъзоларининг жамғармаларидан ташкил топганлигини назарда тутган ҳолда, аҳоли учун манфаатли турли хил омонатлари ҳам жорий этилган. Шу боис, 2006 йилнинг шу кунигача 355 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ омонатларга жалб этилган.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, уюшманинг фаол аъзоларига имтиёзли кредит, яъни гарови таъминланмаган ёки қисман таъминланган кредитлар берилмоқда. Шундай фаол аъзолардан бири Ўтагул Байжанова. 2004 йилдан бери уюшмадан 3 мартаба кредит олган ва уларни фермер хўжалигини ривожлантиришга сарфлаган.

*Лайло АЗИЗОВА.*

## БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодиёти ва  
дипломатия университети

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан  
қўллаб-қувватлаш "Заковат"  
ижтимоий жамғармаси

ТАХРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов  
(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУҲАРРИР

Шавкат Назаров

## ЎЗБЕКИСТОНДА РОССИЯНИНГ САВДО ВАКОЛАТХОНАСИ ОЧИЛМОҚДА

Ўзбекистонда август ойининг охиригача Россиянинг савдо ваколатхонаси очилади, деб хабар қилди журналистларга Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонасининг иқтисодиёт бўйича маслаҳатчиси Владимир Кузнецов.

"7 июнда биз Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигидан махсус нота олдик. Нотада бизнинг Ўзбекистондаги савдо ваколатхонамиз аккредитация ва юридик мақом олаётганлиги маълум қилинган", деб хабар берди В. Кузнецов. Ваколатхона дипломатик мақомга эга бўлади.

В. Кузнецовнинг фикрича, савдо ваколатхонасининг фаолияти Россия ва Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги фаоллашувига ёрдам беради.

2006 йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 35 фоиз кўпайиб, 2 млрд. АҚШ доллариға етди. Ҳозир Ўзбекистонда россиялик инвесторлар иштирокида 433 та қўшма корхона ташкил этилган. Ўз навбатида, Ўзбекистон ишбилармонлари Россия ҳудудида ишлаётган 284 та корхонага инвестиция қиритган. Ўзбекистонда Россиянинг 80 дан ортик компания ва фирмаси ўз ваколатхонасини очган.

*"Туркистон-пресс" ННА.*

## ЭРОН ВЕНЕСУЭЛА ИҚТИСОДИЁТИГА 9 МИЛЛАРД АҚШ ДОЛЛАРИ КИРИТАДИ

Инвестициялар 125 та иқтисодий лойиҳани амалга оширишга йўналтирилади. Хусусан, гап 2,5 мингдан ортик турар жой биноси ва йирик цемент заводи қурилиши ҳақида бормоқда. Лойиҳа баҳоси 1 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

Эрон Оринокода йирик нефтни қайта ишлаш заводини қурилишда ва янги газ конларини ўзлаштиришда ҳам қатнашади. Экспертларнинг фикрича, Эрон нефть экспорт қилиш бўйича дунёда иккинчи, Венесуэла эса бешинчи ўринда туришини ҳисобга олганда, бу икки мамлакат жаҳон бозорида нефть баҳосини шакллантиришга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

*Чет эл матбуоти материаллари асосида.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ

• Молия ва кредит, Халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;

• чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган;

• банк тизимида камида 3 йил иш стажига эга бўлган;

• Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган иқтисодчиларни танлов асосида

### ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мурожаат учун телефонлар:  
112-60-65, 112-58-78

## О'ZSANOATQURILISHBANK

Ўзбекистон акциядорлик-тижорат саноат-қурилиш банки  
«Ўзсаноатқурилишбанк»  
Тошкент шаҳар филиалларига ҳуқуқшунос-маслаҳатчиларни  
ишга қабул қилиш учун

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодларга қўйиладиган талаблар:

- олий юридик маълумот;
- компьютер саводхонлиги;
- мутахассислиги бўйича камида 3 йиллик иш стажи;
- Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда туришлари;
- ўзбек ва рус тилларини билишлари талаб қилинади.

Манзил: Тошкент ш. Шахрисабз кўчаси, 3  
Мўлжал: «Бош почтамт», «Dedeman» меҳмонхонаси  
Қўшимча маълумот учун телефонлар:  
120-45-55, 120-45-11, 120-45-57, 120-45-58

### ХУРМАТЛИ ГАЗЕТАХОНЛАР!

"Банк ахборотномаси" газетасининг тахририяти сизларга йилнинг биринчи ярми охирига бораётганини эслатиб ўтади.

Газетанинг ушбу 26-сон ярим йилликнинг охириги сонидир.

Тахририят ижодий жамоаси таътилга чиқмоқда.

"Банк ахборотномаси"нинг навбатдаги сони 12 июлда чиқади.

Шошилинч хабарларингизни факс орқали юборишингиз ёки 134-43-18

телефон рақамига кўнғироқ қилишингиз мумкин.

Агар сиз йилнинг иккинчи ярми учун обуна бўлишга улгурмаган бўлсангиз, буни ҳозир барча алоқа бўлимларида амалга оширишингиз мумкин.

Босилган материаллар муаллифларининг нуктаи назари тахририятнинг нуктаи назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.  
Тахририятнинг ёзма розилиги бўлганидагина, "БА" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Кўлөзмалар такриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-В03

Тираж 7238 нусха,

Босишга рухсат этилди

13.06.2006 й.

# БАНК

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИЦ

1995 йил январдан бошлаб

## ИПОТЕКА КРЕДИТЛАШ - РИВОЖЛАНИШ БОСКИЧИДА

Аҳолининг уй-жойга бўлган талабини ўз вақтида қондириш, қолаверса уларни мунтазам равишда замонавий турар-жойлар билан таъминлаб бориш мақсадида 2005 йил 16 февралда Юртбошимиз томонидан "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарор қабул қилинган эди. Мазкур қарорда белгирилган вазифаларнинг самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида "Ипотека банк" АТБ "Ипотека банк"нинг уй-жой қурилишини ривожлантириш бўйича дастури"ни ишлаб чиққан ва ушбу дастур асосида тегишли ишларни амалга оширмақда.

Жумладан, республика ҳудудида ипотека кредитларига бўлган талабни ўрганиш мақсадида вилоятлар марказлари, туманлар, кичик шаҳар ва қишлоқ жойларда уй-жой қурилишига ажратилган ва ажратилиши режалаштирилаётган ер майдонлари ҳажми, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасидан меҳнатга лаёқатли ва иш билан банд бўлган аҳоли ва уларнинг уй-жой фонди билан таъминланганлиги, охириги йилларда қуриб битказилган уй-жой фонди тўғрисидаги маълумотлар олиниб, таҳлил қилинди. Унга кўра, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниб, уларга монанд қуриладиган уй-жойларнинг лойиҳа смета ҳужжатлари, чизмалар ва қилинадиган харажатларнинг намунавий нусхалари тайёрланди. Лойиҳа институтлари билан ҳамкорликда ҳар бир вилоят маркази, туман ва қишлоқ жойларда қуриладиган уй-жойларнинг замонавийлиги, шинамлигини таъминлаш ва уларнинг таннархини мумкин қадар арзонлаштириш чоралари кўрилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## МИКРОМОЛИЯЛАШ ХИЗМАТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиз тараққиётида деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик намоёндаларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Бундай реал яратувчи кучларни рағбатлантириб бориш, уларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 5 май куни республика Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги ПФ-3750 рақамли Фармони эълон қилинди. 6 майда эса, Вазирлар Маҳкамасининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 78-Қарори қабул қилинди. Яқинда Ўзбекистон Республикаси банклари ассоциациясида бўлиб ўтган тадбиркорлик субъектларига микромолиялаш хизматларини кўрсатиш бўйича махсус семинарда мазкур қонуний ҳужжатлардан келиб чиқадиган асосий вазифалар муҳокама қилинди.

Республика банклари ассоциацияси, "Микрокредитбанк" АТБ, Савдо-саноат палатаси ҳамда Банк-молия академияси ҳамкорлигида

си маблаглари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон ҳўжаликлари чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Р. АЗИМОВ

О. ОБИДОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви,  
Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини  
ијтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг  
2006 йил мартдаги қарори  
билан тасдиқланган  
№275-В, №41, № 113

АНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ВЛАТ ЖАМФАРМАСИ МАБЛАГЛАРИ ҲИСОБИДАН ШАХСИЙ ҲЎЖАЛИКЛАРИГА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН АДЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ

резидентининг 2006 йил деҳқон ва фермер ҳўжаликлари учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида

рат банклари томонидан ашиш давлат жамғарма-

арказий банки Раисси

Молия вазири

еҳнат ва аҳолини ијтимоий

микдори 100 000 сўм қилиб белгиланган.

Навбатдаги депозит тури "Шодлик" деб номланиб, унга маблаглар шу йилнинг 10 августигача қабул қилинади. "Шодлик"ка қўйиладиган бошланғич бадал миқдори ҳам 100 000 сўм бўлиб, йиллик фоиз ставкаси 22 фоизни ташкил этади.

"Пахта Банк" тақдим этган мазкур омонатларнинг фоиз тўловлари сақлаш муддати тугаганидан сўнг амалга оширилади. Юлдуз ЗОКИРОВА.

## «САХИЙ» – МИЖОЗ ҲАМРОҲИ

Бугунги кунда Ўзбекистондаги молиявий ташкилотлар ичида муайян соҳаларга йўналтирилган банклар ҳам мавжуд бўлиб, улар нафақат ўша соҳа фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш учун хизмат қилади, балки бошқа тармоқларнинг тараққий этишига ҳам ҳисса қўшади ва бунда оддий аҳоли манфаатини кўзлаб иш тутлади.

Мана шундай банклардан бири акциядорлик-тижорат "Алоқа банк" бўлиб, у республика миқёсидаги ахборот-коммуникация технологиялари тармоғини ривожлантириш билан бирга саноат, қишлоқ ҳўжалик ва ишлаб чиқариш соҳаларининг кенгайишига ҳам катта ҳисса қўшиб, юридик ва жисмоний шахслар учун мўлжалланган замонавий банк хизматларини жорий этиб келмоқда.

Бунга мисол қилиб банкнинг депозит сиёсатини кўрсатиб ўтишимиз жоиз бўлади. Айни пайтда жами 29 минг 281 нафар омонатчининг бўш пул маблаглари хавфсизлигини таъминлаб келаётган мазкур банк яқинда ўз миқозлари учун янги "Сахий" деб номланган омонатини жорий қилди. Йиллик фоиз ставкаси 22 фоиз бўлган ушбу депозитнинг сақлаш муддати 2 ой, бошланғич бадал тўлови 100 000 сўмни ташкил этади.

АТ "Алоқа банк"даги мавжуд 3 ой, 6 ой, 12 ойлик муддатли депозитлардан тушган омонат қолдиги 2006 йил 1 июл ҳолатига 6 млрд. 450 млн. сўмни ташкил қилади.

Гулшан ЮСУПОВА.

шахсий ёрдамчи ҳўжалик - қишлоқ, овул ва кўрғонларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдирилмаган умрбоқ эгаллик қилиш учун уй-жой қуриш учун берилган участкаларнинг бир қисми - томорқа-да оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила ахтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари этиштириш ҳамда оила ахтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида соташ билан шуғулланадиган оилавий ҳўжалик;

спубликаси Президент-Шахсий ёрдамчи, деҳқон молларини кўпай-тадбирлари тўғриси-соқда ишлаб чиқил-онидан Иш билан та-камфармаси маблагла-и оилаларнинг шахсий ақсадли микрокредит-ида.

қуйидаги тушунчалар-

## Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операциялари

### Чет эл валюталарининг сўмга нисбатан курси

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 11 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: \*)

1 Австралия доллари	920,63
1 Англия фунт стерлинги	2266,88
1 Дания крониси	210,29
1 БАА дирҳами	333,68
1 АҚШ доллари	1225,54
1 Миср фунти	213,32
1 Исландия крониси	16,24
1 Канада доллари	1099,73
1 Хитой юани	153,52
1 Кувайт динори	4237,98
1 Россия рубли	45,60
1 Украина гривнаси	242,68
100 Ливан фунти	81,65
1 Малайзия ринггити	337,15
1 Норвегия крониси	196,78
1 Польша злотийси	384,41
1 Сингапур доллари	778,86
1 СДР	1816,70
1 Туркия лираси	788,64
1 Швеция крониси	171,63
1 Швейцария франки	1001,50
1 ЕВРО	1567,83
10 Жанубий Корея вони	13,01
10 Япония иенаси	107,81

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



## АҚШ доллари ва евронинг зақолатли банклар томонидан айирбошлаш шохобчаларида 2006 йил 11 июл ҳолатига ўзбек сўмига нисбатан жорий этилган курси

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1222,00	1226,00	1568,00	1588,00
"Асака" банки	1222,00	1225,00	1568,00	1573,00
"Ўзсаноатқурилишбанк"и	1222,00	1227,00	1568,00	1578,00
"Пахта Банк"	1222,00	1225,00	1540,00	1550,00
"Халқ банк"и	1222,00	1227,00	1568,00	1583,00
"Ипотекабанк"	1222,00	1227,00	1568,00	1575,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1222,00	1223,00	1556,00	1583,00
"UzKDBбанк"	1222,00	1235,00	1568,00	1591,00
"Ғаллабанк"	1222,00	1227,00	1568,00	1578,00
"Трастбанк"	1222,00	1227,00	1568,00	1578,00
"Алп Жамол банк"	1222,00	1227,00	1562,00	1569,00
"Алоқабанк"	1223,00	1227,00	1568,20	1591,80
"У-Т банк"	1222,00	1226,00	1568,00	1589,00
"Туронбанк"	1223,00	1230,00	1565,00	1574,00
"Савдогарбанк"	1222,00	1230,00	1568,00	1580,00
"Ипак йўли" банки	1222,00	1227,00	1563,30	1566,90
"Микрокредитбанк"	1222,00	1225,00	1563,00	1567,00
"Туркистон" банк	1223,00	1228,00	1540,00	1580,00
"Даврбанк"	1222,00	1227,00	1590,00	1605,00
"Кредит-Стандарт" банки	1222,00	1227,00	1568,00	1590,00
"Капитал банк"	1222,00	1227,00	1567,90	1590,00
"Содерат банк"	1222,00	1227,00	1520,00	1590,00
"Ҳамкорбанк"	1222,00	1232,00	1568,00	1588,00
"Универсалбанк"	1222,00	1228,00	1563,00	1570,00
"Парвинабанк"	1222,00	1225,00	1568,00	1570,00

(Давоми 2-бетда).

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Акциядорлик-тижорат "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармасида "Пахта Банк" тизимида маънавият ва маърифат йўналишидаги ишларни янада яхшилаш, "Давлат тили ҳақида"ги қонун ва "Ҳомийлар ва шифокорлар" йили Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш ҳамда хотин-қизлар билан ишлаш масалаларига бағишланган амалий семинар ўтказилди.

Семинар ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят бошқармаларининг маънавият масалаларига мутасадди ходимлари ҳамда Самарқанд вилоятидаги 16 та филиалнинг шу йўналишдаги мутасадди ходимлари қатнашди. Шунингдек, Марказий банкнинг вилоят Бош бошқармаси ҳамда "Савдогарбанк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси вакиллари иштирок этдилар.

Семинарни "Пахта Банк"нинг Самарқанд вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жуманазар Қилчев қилиб сўзи билан очиб, иштирокчиларни кутлади ва вилоят бошқармасида

қилди. Таникли шоира Хосият Бобомуродованинг "Маънавият - қалбим кўёши" мавзуида чиқиши иштирокчиларнинг олқишига сазовор бўлди. Шунингдек, анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бажариш юзасидан "Пахта Банк" тизимида амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида, "Пахта Банк" тизимида маънавият ва маърифат йўналишидаги ишларни яхшилаш, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Давлат тили

## ЎЗБЕК ИС РОССИЯНИНГ ВАКОЛАТХОНАСИ

Ўзбекистонда август ойининг охирида ваколатхона очилади, деб хабар қилди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчиси Владимир Кузнецов.

"7 июнда биз Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигидан махсус нота олдик. Нотада бизнинг Ўзбекистондаги савдо ваколатхонамиз аккредитация ва юридик мақом олаётганлиги маълум қилинган", деб хабар берди В. Кузнецов. Ваколатхона дипломатик мақомга эга бўлади. В. Кузнецовнинг фикрича, савдо ваколатхонасининг фаолияти Россия ва Ўзбекистон иқтисодий ҳамкорлиги фаоллашувига ёрдам беради.

## ЭРОН ВЕНЕСУЭЛА ИҚТИСОДИЁТИГА 9 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИ КИРИТАДИ

ортиқ ахборот-маслаҳат марказларини ташкил этиб, барча тадбиркорлар билан жонли мулоқотда бўлаётган Республика Савдо-саноат палатасининг бу борада олиб бораётган консультатив ишлари алоҳида аҳамиятга моликдир. Савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари Н. Қосимов давлатимиз иқтисодиёти учун муҳим ҳисобланувчи бу каби эзгу ишларни жадаллаштириш, бунинг учун бир ёқадан бош чиқариш лозимлиги ҳақида гапирди.

Шунингдек, семинарда иштирокчилар "Микрокредитбанк" АТБ ўқув маркази ва департаментлари ходимлари ҳамда Банк-молия академиясидан ташриф буюрган профессор-ўқитувчиларнинг "Тадбиркорлик субъектларини микрокредитлашнинг турлари ва тартиби", "Мижознинг кредитга лаёқатлигини аниқлаш мезонлари ва усуллари", "Тадбиркорлик субъектлари томонидан микрокредит ва микролизинг олиш учун тақдим этиладиган "Бизнес режа" таркиби ва уни тузиш тартиби" ҳамда "Микрокредит ва микролизинг қайтарилишини таъминлаш асослари ва уларни расмийлаштириш тартиби" мавзуларидаги маърузаларини тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

Семинар сўнгида барча иштирокчилар ташкилотчиларнинг махсус сертификатлари билан тақдирландилар.

Зарина УСМОНОВА.

## МИКРОМОЛИЯЛАШ ХИЗМАТЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур семинарни ўтказишдан кўзлаган асосий мақсади тадбиркорлар билан бевосита мулоқотда бўладиган банк ходимларини ушбу қонуний ҳужжатларнинг асосий моҳияти билан таништириш ҳамда шу мавзу юзасидан баъзи бир саволларга ойдинлик киритишдан иборатдир. Бу борада "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви раиси Жамшид Сайфиддинов сўз олиб, жумладан шундай деди.

- Агар тадбиркор банкдан олган кредитини ўз вақтида қайтармаса, бундан нафақат банк зарар кўради, балки ундан кейинги навбатда турган қарз олувчининг ҳам ишига тўсқинлик қилади. Бизнинг асосий вазифамиз тадбиркорларга кредитнинг ўз вақтида қайтарилиши борасида тўғри ва аниқ тушунтириш ишларини олиб боришдир.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудлари бўйлаб жами 50 дан

## ЎЗРТХБ ДИВИДЕНДИНИ КЎПАЙТИРМОҚДА

"Ўзбекистон Республикаси товар-ҳом ашё биржаси" ОАЖ ("ЎЗРТХБ" ОАЖ) бошқаруви раиси Тоҳир Тўхтабоев хабар қилишича, биржа акциядорларининг умумий йиғилишида 2005 йил якунлари бўйича ҳар бир акцияга унинг номиналининг 19,4 фоизи миқдорида йиллик дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилинди. 2004 йилда дивидендлар миқдори 3,36 фоизни ташкил қилган эди.

Дивидендлар тўлашга ҳаммаси бўлиб 475,3 млн. сўм (1 АҚШ доллари 1224,60 сўм) ажратилди, бу эса 2005 йилдаги фойданинг 80 фоизини ташкил қилди. Т. Тўхтабоев 2004 йилда бу сумма 85,967 млн. сўмни ёки 60 фоизни ташкил этганлигини қўшимча қилди.

У мамлакатдаги энг йирик биржанинг акциядорларига дивидендлар, гарчи нисбатан камроқ миқдорда бўлса-да, кетма-кет икки йилдан бери тўланаётганлигини, ҳолбуки илгари дивидендлар умуман тўланмаганлигини қайд этди. Дивидендлар миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2005 йил якунлари бўйича "ЎЗРТХБ" ОАЖнинг соф фойдаси 2004 йилдагига нисбатан 4,1 баравар кўпайиб, 594,2 млн. сўмни ташкил қилди, махсулот (хизматлар) сотишдан келган тушум 2,97 баравар ўсиб, 1628 млрд. сўмга етди.

"ЎЗРТХБ" ОАЖнинг устав сармояси номинали юз сўм бўлган 24,829 млн. дона оддий акцияни жойлаштириш ҳисобига 2,483 млрд. сўм миқдорида шакллантирилган. Устав сармоясининг 72,3 фоизи юридик шахслар, 27,7 фоизи jisмоний шахслар ҳиссасига тўғри келади.

Юридик шахслар орасида куйидагилар "ЎЗРТХБ" ОАЖ акцияларининг энг йирик сакловчиларидир: Давлат мулки кўмитаси - устав сармоясининг 29,3 фоиз, "Биржасервисмарказ" ОАЖ - 13,04 фоиз, хусусий "Трастбанк" АТБ - 8,16 фоиз, "Ўзулгуржибиржасавдо" АК - 6,06 фоизи, "Ўзнефтьмахсулот" АК ва Олмалик ҚМК - 6 фоиздан.

2005 йилда ЎЗРТХБда савдолар ҳажми 2004 йилдагига қараганда 1,6 фоиз кўпайиб, 724,992 млрд. сўмни ташкил этди, шу жумладан нефть махсулотлари сотиш 189,411 млрд. сўмни (ўсиш 47,0 фоиз), бугдой уни сотиш - 147,636 млрд. сўмни (2004 йилда савдога қўйилмаган), пахта толаси сотиш - 140,89 млрд. сўмни (пасайиш 1,3 фоиз) ташкил қилди.

"ЎЗРТХБ" ОАЖ активлари 2005 йилда 2,05 баравар кўпайиб, 13,348 млрд. сўмга, шу жумладан жорий активлари - 5,5 баравар кўпайиб, 10,148 млрд. сўмга етди, товар-ҳом ашё биржасининг ўз сармояси 2,79 баравар ўсиб, 13,072 млрд. сўмни ташкил этди. Шулардан аниқ мақсадли тушумларга 9,467 млрд. сўм тўғри келади (ўсиш 6,65 баравар).

"Туркистон-пресс" НАА.

## ИНФРАТУЗИЛМАНИ Қўллаб-қувватлаш учун

Сирдарё вилояти Оқолтин туманининг қишлоқ ҳўжалик инфратузилмасини ривожлантириш учун Осиё тараққиёт банки (ОТБ) иштирокида амалга оширилаётган лойиҳа доирасида 2006 йилда 10 млн. АҚШ доллари яқин қарз маблағларни ва 8,8 млрд. сўм бюджет ажратмаларини ўзлаштириш режалаштирилмоқда, деб хабар қилишди Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан.

Мана шу маблағлар ҳисобидан ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш ишлари давом эттирилади, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланилаётган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ишлар олиб борилади, шунингдек қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг иқтимолларини оптималлаштириш ва камайтириш чоралари кўрилади.

Умуман олганда, 52 мингга майдонга эга бўлган Оқолтин туманида тўрт йил мобайнида лойиҳалар бўйича 900 дан ортиқ фермер ҳўжалиги ташкил этилиб, улар 15 та ассоциацияга бирлаштирилди. 10 та сувдан фойдаланувчилар ассоциацияси ўз фаолиятини бошлади. Фермерларга хизмат кўрсатадиган муқобил машина-трактор паркларига 72 дона замонавий қишлоқ ҳўжалик техникаси қўйилди. Ерларнинг мелиоратив ва иқтисодий ҳолатини мониторинг қилиш лабораторияси очилиб, у энг янги немис ускуналари билан жиҳозланди. Ускуналарни вилоят гидромелиоратив экспедицияси ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳудудий бошқармасининг махсус ўқитилган мутахассислари ишлатади.

Лойиҳа 2002 йилда амалга оширила бошлаган бўлиб, 2007 йилгача давом этиши мўлжалланган. Лойиҳанинг умумий баҳоси 72 млн. АҚШ доллари тенг. У Осиё тараққиёт банкининг 36 млн. АҚШ доллари миқдоридаги кредитини ҳам ўз ичига олади. Кредит 25 йил муддатга берилган, шунинг 5 йили имтиёзли даврдир. Ишлар Ўзбекистон ҳукуматининг 35 млн. АҚШ доллари ҳамда бенефициарларнинг 1 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари ҳисобидан ҳам молияланмоқда.

Лойиҳани амалга ошириш даврида тажриба тариқасида Оқолтин туманида галла ва пахта харид қилиш бўйича давлат топшириқлари ўрнига 12,5 минг тонна бугдой ва 17 минг тонна пахта миқдорида катий белгиланган йиллик харид квоталари жорий этилмоқда. Бу миқдор қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчилари ўртасида улар ишлов бераётган ерларнинг катталиги ва сифатини ҳисобга олган ҳолда тақсимланади. Белгиланган квотадан ортиқча етиштирилган бошқоқли галла экинлари фермерлар томонидан келишилган нархларда сотилади.

Лойиҳа доирасида келтирилаётган техника ва ускуналар божхонада расмийлаштириш йиғимларидан бошқа божхона тўловларидан озод қилинади.

2006 йил 4 июлдан 10 июлгача бўлган даврда АҚШ долларининг миллий валюталарига нисбатан курсидаги ўзгаришлар\*



1 АҚШ доллари

### Россия Федерацияси

04.07.2006 й.да - 26,87 рос. рубли  
05.07.2006 й.да - 26,84 рос. рубли  
06.07.2006 й.да - 26,86 рос. рубли  
07.07.2006 й.да - 26,91 рос. рубли  
08.07.2006 й.да - 26,88 рос. рубли

### Украина

04.07.2006 й.да - 5,0500 гривна  
05.07.2006 й.да - 5,0500 гривна  
06.07.2006 й.да - 5,0500 гривна  
07.07.2006 й.да - 5,0500 гривна

### Беларус Республикаси

04.07.2006 й.да - 2142,50 бел. рубли  
05.07.2006 й.да - 2142,50 бел. рубли  
06.07.2006 й.да - 2142,50 бел. рубли  
07.07.2006 й.да - 2143,50 бел. рубли  
10.07.2006 й.да - 2143,50 бел. рубли

### Эстония

04.07.2006 й.да - 12,2182 крона  
05.07.2006 й.да - 12,2020 крона  
06.07.2006 й.да - 12,2738 крона  
07.07.2006 й.да - 12,2459 крона  
10.07.2006 й.да - 12,2106 крона

### Латвия

04.07.2006 й.да - 0,5434 лат  
05.07.2006 й.да - 0,5425 лат  
06.07.2006 й.да - 0,5458 лат  
07.07.2006 й.да - 0,5447 лат  
10.07.2006 й.да - 0,5438 лат

### Литва

04.07.2006 й.да - 2,6966 лит  
05.07.2006 й.да - 2,6925 лит  
06.07.2006 й.да - 2,7084 лит  
07.07.2006 й.да - 2,7021 лит  
10.07.2006 й.да - 2,6983 лит

### Молдова

04.07.2006 й.да - 13,2800 лей  
05.07.2006 й.да - 13,2800 лей  
06.07.2006 й.да - 13,2800 лей  
07.07.2006 й.да - 13,2900 лей  
10.07.2006 й.да - 13,2900 лей

### Қирғизистон Республикаси

08.07.2006 й.да - 40,0303 сом

### Тожикистон Республикаси

04.07.2006 й.да - 3,2819 сомоний  
05.07.2006 й.да - 3,2823 сомоний  
06.07.2006 й.да - 3,2823 сомоний  
07.07.2006 й.да - 3,2872 сомоний

### Қозоғистон Республикаси

04.07.2006 й.да - 118,12 тенге  
05.07.2006 й.да - 118,19 тенге  
06.07.2006 й.да - 118,19 тенге  
07.07.2006 й.да - 118,27 тенге  
10.07.2006 й.да - 118,16 тенге

### Швейцария

04.07.2006 й.да - 1,2242 швейц. франки  
05.07.2006 й.да - 1,2215 швейц. франки  
06.07.2006 й.да - 1,2301 швейц. франки  
07.07.2006 й.да - 1,2279 швейц. франки  
10.07.2006 й.да - 1,2237 швейц. франки

### Япония

04.07.2006 й.да - 114,52 япон иенаси  
05.07.2006 й.да - 114,70 япон иенаси  
06.07.2006 й.да - 115,42 япон иенаси  
07.07.2006 й.да - 114,75 япон иенаси  
10.07.2006 й.да - 113,68 япон иенаси

### 1 Англия фунт стерлинги Буюк Британия

04.07.2006 й.да - 1,8467 АҚШ долл.  
05.07.2006 й.да - 1,8472 АҚШ долл.  
06.07.2006 й.да - 1,8358 АҚШ долл.  
07.07.2006 й.да - 1,8407 АҚШ долл.  
10.07.2006 й.да - 1,8497 АҚШ долл.

### 1 евро

### Евроминтақа

04.07.2006 й.да - 1,2800 АҚШ долл.  
05.07.2006 й.да - 1,2822 АҚШ долл.  
06.07.2006 й.да - 1,2746 АҚШ долл.  
07.07.2006 й.да - 1,2775 АҚШ долл.  
10.07.2006 й.да - 1,2793 АҚШ долл.

\* Долларнинг мамлакатлар миллий валюталарига нисбатан курси марказий (миллий) банкларнинг расмий хабарлари ва «REUTERS» тизими маълумотлари асосида берилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
**Қ А Р О Р И**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА КЎМАКЛАШИШ  
ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ШАХСИЙ ЁРДАМЧИ ВА ДЕҲҚОН  
ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН ИМТИЁЗЛИ МАҚСАДЛИ  
МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

**(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН  
2006 йил 2 майда 1567-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)**

2006 йил 12 майдан кучга киради

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли Қарорининг 3-бандини ижросини таъминлаш мақсадида **қарор қиламиз:**

1. Илова қилинаётган «Тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғарма-

си маблағлари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида Низом» тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси**  
Тошкент ш.  
14 апрел 2006 йил  
275-В-сон

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазири**  
Тошкент ш.  
14 апрел 2006 йил  
41-сон

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири**  
Тошкент ш.  
14 апрел 2006 йил  
113-сон

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

**Р. АЗИМОВ**

**О. ОБИДОВ**

**Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқаруви,  
Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини  
ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг  
2006 йил мартдаги қарори  
билан тасдиқланган  
№275-В, №41, № 113**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА  
КЎМАКЛАШИШ ДАВЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ШАХСИЙ  
ЁРДАМЧИ ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИГА ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН  
ИМТИЁЗЛИ МАҚСАДЛИ МИКРОКРЕДИТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-308-сонли Қарори асосида ишлаб чиқилган бўлиб тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар бериш тартибини белгилайди.

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом мақсадида куйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

**шахсий ёрдамчи хўжалик** - қишлоқ, овул ва кўрғонларда яшовчи фуқароларга мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун уй-жой қуриш учун берилган участкаларининг бир қисми - томорқада оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида оила эҳтиёжлари учун деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда оила эҳтиёжидан ортиқчасини деҳқон бозорларида соташ билан шуғулланадиган оилавий хўжалик;

**деҳқон хўжалиги** - оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштирадиган ва реализация қиладиган, юридик шахсни таш-

кил этган ва ташкил этмаган ҳолда фаолият юритадиган оилавий майда товар хўжалиги.

2. Мазкур Низом асосида тижорат банклари томонидан Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда - Бандлик жамғармаси) маблағлари ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун микрокредитлар ажратиш қайтаришлик, тўловлилик, таъминланганлик, муддатлилик ва мақсадли фойдаланиш шартлари асосида амалга оширилади.

3. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун бериладиган имтиёзли мақсадли микрокредитлар (кейинги ўринларда - микрокредитлар) миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараваригачани ташкил этади.

4. Мазкур Низом асосида микрокредитлар фақат кам таъминланган оилаларга берилади. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини кам таъминланган оилалар сифатида эътироф этиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Чорвачиликни ривожлантириш учун кам таъминланган оилаларга микрокредитлар ажратишга маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашлари тавсияномалари асос бўлиб хизмат қилади.

5. Ушбу микрокредитлар шартнома асосида 3 йилгача бўлган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш ҳуқуқисиз берилади.

6. Ушбу микрокредитлар чорвачиликни ривожлантириш учун қарз олувчининг хоҳишига кўра пул ўтказиб бериш йўли билан ёки нақд пул шаклида берилади.

7. Микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси миқдори банк маржасини қўшиб ҳисоблаганда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 1/4 қисми даражасида белгиланади. Бунда белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизини банк маржаси ташкил этади

## **II. Бандлик жамғармаси томонидан тижорат банкларида кредит линияларини очиш тартиби**

8. Кредит линиясини очиш учун Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида Бош келишув тузилади. Бош келишувда Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида очиладиган кредит линиясига хизмат кўрсатиш бўйича томонларнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кредитлаш муддатлари, имтиёзли фоиз ставкаси, банк маржаси, банкларнинг вилоят ва туман бўлимлари томонидан кредитлар бериш борасида ўрнатилган лимит (чегара)лар ва бошқа шартлар белгилаб олинади.

9. Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида Бош келишув имзоланганидан кейин, улар ўртасида кредит линияси очиш тўғрисида кредит шартномаси тузилади. Шунингдек, кредит линиялари очиш учун кредит шартномалари тижорат банкларининг вилоят бўлимлари, агар уларга Бош банк томонидан ушбу ваколат берилган бўлса ва Бандлик жамғармасининг вилоят бўлинмалари ўртасида ҳам тузилиши мумкин.

10. Бош банк билан тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасига қуйидаги шартлар киритилган бўлиши лозим:

бир йиллик кредит линиясининг чораклар ва вилоятлар бўйича тақсимланган ҳолдаги миқдори;

банк маржаси чегирилган имтиёзли фоиз ставкаси; кредит линияси маблағлари йўналтириладиган мақсад;

берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиш ус-тидан назоратни амалга ошириш тартиби.

11. Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида тузиладиган кредит линияси очиш тўғрисидаги кредит шартномасида ушбу маблағлар банк томонидан фақат

кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш мақсадларига микрокредит беришда кредит ресурслари сифатида ишлатилиши алоҳида қайд этилади.

12. Кредит шартномаси имзоланганидан кейин Бандлик жамғармаси ҳар ойнинг 15-санасидан кечиктирмай кредит линияси суммасини тижорат банкининг вакиллик ҳисобварағига ўтказиши.

13. Бандлик жамғармаси кредит линиялари ҳисобидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш учун берилган маблағлар 22005 «Бюджетдан ташқари жамғармалардан олинган узоқ муддатли кредитлар» баланс ҳисобварағида ҳисобга олинади.

14. Банклар очилган кредит линияси суммасига Бош келишувда белгилаб қўйилган банк маржаси чегирилган ҳолдаги имтиёзли фоиз ставкаси миқдорида фоизлар ҳисоблайди. Мазкур ҳисобланган фоизлар алоҳида ҳисобварақда жамланади ва кредит шартномасида келишиб олинган муддатларда Бандлик жамғармасининг банк ҳисобварағига ўтказиб берилади.

15. Навбатдаги кредит линияларини очиш учун Бандлик жамғармаси ва Бош банк ўртасида кредит шартномасига янги кредит линиялари суммаси кўрсатилган қўшимча келишув имзоланади.

16. Берилган микрокредитнинг кредит шартномасида белгиланган қайтариш муддати туганидан кейин қарз олувчи томонидан микрокредит банкка қайтарилганидан қатъи назар Бош банк Бандлик жамғармасининг маблағларини, уларга тегишли давр учун ҳисобланган ва банк маржаси чегириб қолдирилган фоизларни қўшган ҳолда бюджетдан ташқари жамғарманинг банк ҳисобварағига қайтариши шарт.

## **III. Микрокредитларни расмийлаштириш тартиби**

17. Кам таъминланган оилаларнинг шахсий ёрдамчи хўжалик юритувчи жисмоний шахслар ва деҳқон хўжаликлари бошлиқлари чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредит олиш учун, қоида тариқасида, ўзлари яшаб турган туманда жойлашган тижорат банклари филиалларидан бирига микрокредит беришни сўраб ариза билан мурожаат этишлари лозим.

18. Микрокредитлар олиш учун шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1) Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан чорвачиликни ривожлантириш учун мақсадли микрокредит беришни сўраб ёзилган ариза;

2) маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кенгашларининг ушбу микрокредит олувчи жисмоний шахсга чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан микрокредит берилишига тавсияномаси;

3) микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти ҳақидаги қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжат.

Бундан ташқари, жисмоний шахс ёки деҳқон хўжалиги бошлиғи ўз паспортини шахсан кўрсатади ва паспорт нусхаси кредит йиғмажилдига тикиб қўйилади. Деҳқон хўжалигини давлат рўйхатида олинганлиги тўғрисидаги рўйхатга олувчи орган томонидан берилган гувоҳноманинг нусхаси ҳам кредит йиғмажилдига тикиб қўйилиши талаб этилади.

19. Маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғинининг Кенгашлари томонидан чорвачиликни ривожлантириш учун банк томонидан кредит берилиши тўғрисидаги тавсияномада шахсий ёрдамчи хўжалиги ёки деҳқон хўжалигида қорамол боқиш учун шароит мавжудлиги, ушбу оила кам таъминланган оила эканлиги, унинг таркибида доимий иш жойига эга бўлмаган оила аъзолари мавжудлиги алоҳида таъкидланиши лозим. Тавсиянома маҳалла, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини Кен-



гашининг раиси томонидан имзоланиб, гербли муҳр қўйилган бўлиши лозим.

20. Қарз олувчилар микрокредитларни қайтарилишини таъминоти сифатида банкка қуйидаги таъминот турларидан бирини тақдим этишлари мумкин:

мол-мулк гарови;

банк ёки суғурта компанияси кафолати;

учинчи шахс кафиллиги;

қарз олувчи томонидан олинган кредитни қайтарилмаслик хатарининг банк-бенефициар фойдасига суғурта қилинганлиги тўғрисидаги суғурта полиси.

Микрокредит ҳисобига сотиб олинган қорамол мазкур кредит бўйича гаров предмети бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сотиб олинган қорамол кредитни қайтариш таъминоти сифатида гаровга олинганда, ушбу қорамолнинг ўлиб қолиши, ўғирланиши, табиий офатлар натижасида нобуд бўлиш ҳолларидан банк (бенефициар) фойдасига суғурта қилинади.

21. Кафиллик банк фойдасига кафил ва қарз олувчи ўртасида тузиладиган ёзма шаклдаги 3 (уч) нусхада кафиллик шартномаси билан расмийлаштирилади. Ушбу шартноманинг охириги бетида кафил ва қарздор имзоларидан кейин, банк томонидан мазкур кафиллик қабул қилинганлиги тўғрисида банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган ва думалоқ муҳр қўйилган ёзув киритилади.

22. Микрокредит сўраб, мазкур Низомнинг 18-бандида кўрсатилган барча зарур ҳужжатларни илова қилинган ҳолда, берилган аризининг банкка келиб тушган кундан бошлаб, ушбу ариза бўйича банк филиали кредит қўмитаси томонидан ҳулоса бериш муддати 5 иш кунидан ошмаслиги лозим.

Микрокредит бериш асослантирилган ҳолда рад этилган тақдирда, банк аризачига бу ҳақда ёзма шаклда маълум қилиши шарт.

23. Тижорат банки филиали кредит қўмитасининг қарори узил-кесил бўлиб Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан микрокредитлар бериш ёки бермаслик учун асос ҳисобланади.

24. Бандлик жамғармаси томонидан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжалиқларини уларга мурожаат қилишини талаб қилиши, шунингдек, тижорат банкларидан мазкур кредитларни ажратишга доир қарорлар ва шу масала билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни талаб қилишига йўл қўйилмайди.

25. Тижорат банки филиали кредит қўмитаси томонидан қарз олувчининг аризаси бўйича ижобий ҳулоса берилганидан кейин Бандлик жамғармасининг кредит линиясида маблағ мавжуд бўлмаса, банк филиали шу куннинг ўзида Бош банкка ёки ушбу банкнинг вилоят бўлимига мазкур кредит линияси бўйича қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги буюртмани йўллайди.

Банк бўлимнинг буюртмаси асосида Бош банк ёки унинг вилоят бўлими буюртма олинган куннинг эртасидан кечиктирмай Бандлик жамғармаси кредит линияси ҳисобидан талаб қилинаётган суммани ажратади.

Агар Бандлик жамғармасининг Бош тижорат банкида очилган кредит линиясида маблағлар мавжуд бўлмаса, Бош банк шу куннинг ўзидаёқ бу ҳақда банк филиалига хабар беради ва бир вақтнинг ўзида, Бандлик жамғармасига қўшимча маблағлар ажратиш ҳақидаги талабномани жўнатади.

26. Тижорат банки филиали Бандлик жамғармасининг кредит линиясида маблағлар вақтинчалик мавжуд эмаслиги ҳақидаги хабарни олганидан кейин, ушбу хабар олинган куннинг эртасидан кечиктирмай, қарз олувчини бу ҳақда хабардор қилади. Айтиш вақтда, банк

филиалининг кредит қўмитаси томонидан аризалари маъқулланган барча қарз олувчиларнинг исми ва ша-рифи (агар улар деҳқон хўжалиги бўлсалар - уларнинг номи), уларнинг кредит аризалари банк филиали кредит қўмитаси томонидан маъқулланган санадан келиб чиққан ҳолда, календар навбат асосида рўйхат тузади.

Банк филиали томонидан кредит олиш учун навбатда турганлар рўйхати операциялар зали (фронт офис)нинг кўринадиган жойига барчанинг танишиши учун осиб қўйилади. Ушбу рўйхатнинг банк филиали бошқарувчиси томонидан имзоланган нусхалари тижорат банкининг вилоят бўлимига ва Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармасига назорат олиб бориш учун тақдим этилади.

Бандлик жамғармасининг кредит линиясига маблағ келиб тушганидан кейин микрокредитлар бериш қатъий равишда тузилган рўйхат асосида календар навбати билан амалга оширилади.

27. Микрокредит шартномаси тузилган куннинг эртасидан кечиктирмаган ҳолда банк томонидан қарз олувчига ссуда ҳисобварағи очилади.

#### **IV. Кредитлаш ва кредитни қайтариш тартиби**

28. Микрокредитларни бериш ссуда ҳисобварағидан қарз олувчининг тўлов топшириқномасига кўра чорвачиликни ривожлантириш учун пул ўтказиб бериш ёки нақд пул бериш йўли билан амалга оширилади.

29. Шахсий ёрдамчи хўжалиги юритувчи жисмоний шахс томонидан микрокредитлар ва уларга ҳисобланган фоизлар банк кассасига нақд пул топшириш ёки қарз олувчининг омонат ҳисобварағидан пул ўтказиб бериш йўли билан амалга оширилади.

30. Деҳқон хўжалиги микрокредитнинг нақд пулда олинган қисми ва унга ҳисобланган фоизлар тўловини банк кассасига нақд пул топшириш йўли билан амалга оширади.

31. Жисмоний шахсларга берилган микрокредитлар ҳисоби 14900-сонли «Жисмоний шахсларга берилган узоқ муддатли ссудалар» баланс ҳисобварақларида ва деҳқон хўжалиқларига берилган микрокредитларнинг ҳисоби 15000-сонли «Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган узоқ муддатли ссудалар» баланс ҳисобварақларида юритилади.

32. Тижорат банклари томонидан кредитдан фойдаланишнинг бутун муддати давомида фуқаролар йиғинининг маҳалла, қишлоқ, овул Кенгаши масъул ходими иштирокида микрокредитдан самарали ҳамда мақсадли фойдаланаётганлигини аниқлаш бўйича бевосита жойига чиқиб доимий мониторинг амалга оширилади.

33. Олинган микрокредитдан бошқа мақсадда фойдаланганлик ҳолати аниқланганда, банк кредит шартномасида белгиланган тартибда, кредитнинг мақсадга номувофиқ ишлатилган қисмини қарз олувчидан муддатидан ундириб олиш ҳуқуқига эга.

34. Микрокредит бўйича қарздорликни ундиришда биринчи навбатда микрокредитдан фойдаланганлик учун фоизлар ундирилади.

Микрокредитни қайтариш таъминоти сифатида учинчи шахс кафиллиги қабул қилинган бўлиб, қарз олувчи микрокредитни ва унга ҳисобланган фоизларни кредит шартномасида белгиланган муддатда қайтармаган тақдирда, банк, кафилдан микрокредит ва унга ҳисобланган фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олади.

35. Микрокредит белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда банк ундирувни гаров предметига ёки микрокредитнинг қайтарилиш таъминоти сифатида тақдим этилган таъминотнинг бошқа шаклларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қаратади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ  
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
**Қ А Р О Р И**

2006 йил 11 март

№ 7/2

Тошкент ш.

**«КРЕДИТ АХБОРОТИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА БАНКЛАРАРО КРЕДИТ БЮРОСИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА  
КРЕДИТ АХБОРОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ  
ҲАҚИДА» (ЯНГИ ТАҲРИРДА)**

*(ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН  
2006 йил 18 апрелда 1562-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)*

2006 йил 28 апрелдан кучга киради

**«КРЕДИТ АХБОРОТИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА БАНКЛАРАРО КРЕДИТ БЮРОСИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА  
КРЕДИТ АХБОРОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМНИ (ЯНГИ  
ТАҲРИРДА) ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 апрелдаги ПҚ-56-сонли Қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 23 апрелдаги 197-сонли қарорига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюроси ва тижорат банкларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги Низом (янги таҳрирда) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор кучга кириши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 21 майдаги «Кредит ахбороти миллий институтининг маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда Банклараро кредит бюросига ва тижорат банкларига кредит ахбороти тақдим этиш тартиби тўғрисида»ги Низомни (рўйхат рақами 1379, 2004 йил 1 июл) тасдиқлаш тўғрисида»ги 12/1-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Марказий банк Раиси

**Ф. М. МУЛЛАЖОНОВ**

*Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг  
2006 йил 11 март  
7/2-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН  
(№ 634)*

**КРЕДИТ АХБОРОТИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТИНИНГ МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ  
ШАКЛЛАНТИРИШ ҲАМДА БАНКЛАРАРО КРЕДИТ БЮРОСИ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА  
КРЕДИТ АХБОРОТИНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Банк сири тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 197-сон «Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Кредит ахбороти миллий институти (кейинги матнда - КАМИ) томонидан тижорат банкларининг кредит, лизинг ҳамда факторинг операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш ва тақдим этиш тартибини белгилаб беради.

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

3. КАМИ тижорат банкларининг кредит операциялари ва уларнинг қарздорлари тўғрисидаги маълумотларни йиғади ва таҳлил қилади, улар бўйича маълумотлар базасини шакллантиради, кредит ахборотининг ягона реестрини (кейинги матнда - реестр) юритади ҳамда Банклараро кредит бюроси (кейинги матнда - БКБ) ва тижорат банкларига ахборот тақдим этади.

4. Тижорат банклари томонидан тақдим этиладиган кредит, лизинг ҳамда учинчи шахслардан мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқини олиш тўғрисидаги (кейинги матнда - факторинг) шартномалар шартлари, гаровга олинган мулк, кафолат-

лар (кафилликлар, кредит таваккалчилигини суғурта-лаш) тўғрисидаги ахборот, шунингдек давлат статистика ва иқтисодиёт органлари, нодавлат ташкилотлари ва хўжалик субъектларидан қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тартибда ва асосларда олинган маълумотлар КАМИ реестрини шакллантириш манбаи ҳисобланади.

## **II. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН АХБОРОТНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ**

3. Тижорат банклари КАМИга мазкур Низомда белгиланган тартибда қуйидаги ахборотни тақдим этишга мажбурдирлар:

потенциал қарз олувчилар томонидан тақдим этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар;

банк кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар;

тузилган кредит, лизинг ҳамда факторинг (кейинги матнда - кредит) шартномалари тўғрисидаги маълумотлар;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш давомида қарздорлар тўғрисида банкка маълум бўлган маълумотлар;

қарздорлар томонидан банк билан тузилган кредит шартномалари бўйича мажбуриятлар бажарилишининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

4. Тушган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар, 1-иловага мувофиқ шаклда, буюртма тушган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

5. Рад этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотлар, 2-иловага мувофиқ шаклда, тегишли қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

Тузилган кредит шартномалари ҳақидаги маълумотлар, 3-иловага мувофиқ шаклда, тегишли шартномалар тузилган кундан бошлаб бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

6. Қарздорлар томонидан тузилган кредит шартномалари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, 4—6-иловаларга мувофиқ шаклларда, операциялар бажарилгандан сўнг бир иш кунидан кечикмаган ҳолда тақдим этилади.

7. Маълумотларни тайёрлаш ва жўнатиш, шунингдек реестрдан ахборот олиш банк бошқаруви раиси (раҳбари) томонидан тайинланадиган банкнинг ваколатли ходими томонидан амалга оширилади.

Банкнинг ваколатли ходими тўғрисидаги маълумотлар КАМИга у тайинлангандан сўнг уч иш кунидан кечикмаган ҳолда юборилиши шарт.

Ваколатли ходим тақдим этиладиган маълумотларнинг махфийлигини банк сири тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартибда таъминлашга мажбурдир.

## **III. КРЕДИТ АХБОРОТИНИ ЙИФИШ, ҚАЙТА ИШЛАШ ВА САҚЛАШ ТАРТИБИ**

8. Банклар томонидан маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Бош ахборотлаштириш маркази ёки Минтақавий ахборотлаштириш марказлари (кейинги матнда - БАМ) электрон алоқа тизими орқали Марказий банкнинг меъёрий талабларига мувофиқ белгиланган форматда шифрланган файл кўринишида тақдим этилади.

9. Банклардан олинган маълумотлар БАМ томонидан КАМИ серверида автоматик тарзда қайта ишланади ва реестрга киритилади.

Реестрга киритилган ҳар бир кредит буюртмасига БАМ уникал (хос) код беради. Хос код буюртма берувчи банкнинг коди, буюртма тушган сана ва солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР)дан иборат бўлади. Кредит буюртмасининг хос коди уни реестрдан чиқарилгунга қадар сақланади.

10. Банк томонидан кредит берилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, кредит буюртмасининг

хос коди автоматик тарзда буюртма берувчи ва банк ўртасида тузилган кредит шартномасига берилади.

Кредит буюртмаси буюртма берувчининг кредитга лаёқатлилиги ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ бўлмаган сабаблар билан рад этилган тақдирда, ушбу кредит буюртмаси реестрдан чиқарилади.

Кредит буюртмаси буюртма берувчининг кредитга лаёқатлилиги ва ишчанлик обрўси билан боғлиқ бўлган сабаблар билан рад этилган тақдирда, банк томонидан тегишли қарор қабул қилинган кундан 3 ой ўтгандан сўнг ушбу кредит буюртмаси реестрдан чиқарилади.

11. Кредит ахбороти қуйидаги ҳолларда реестрдан чиқарилиши мумкин:

қарздор шартнома бўйича ўз мажбуриятларини вақтида ва тўлиқ бажарган ҳолларида кредит шартномаси бекор қилинган тақдирда 5 йил ўтгандан кейин;

қарздор ўз мажбуриятларини лозим бўлган тарзда бажармаган ёки банклар томонидан кредит колдифининг суммасини «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварағига ўтказилган ҳолларида кредит тўланган тақдирда 10 йил ўтгандан кейин.

Ноаниқ ахборот тижорат банкнинг хатига асосан реестрдан чиқарилиши мумкин. КАМИ рўйхатдан чиқарилган ноаниқ ахборотнинг электрон баённомасини юритади ва у бир йил давомида сақланади.

Кредит ахборотини бошқа асослар бўйича реестрдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

12. Берилаётган ахборот сифатини назорат қилиш мақсадида КАМИ белгиланган тартибда тижорат банкларининг Марказий банкнинг бўлинмалари томонидан олинган маълумотларини олиш ҳуқуқига эга.

## **IV. БАНК НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАҚСАДИДА КРЕДИТ АХБОРОТИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

13. Банк назорати функцияларини амалга ошириш, кредит сиёсатидаги ўзгаришларни ва тижорат банкларининг кредит портфели ҳолатини таҳлил этиш мақсадида реестрда сақланаётган кредит ахбороти Марказий банкнинг Тижорат банкларига лицензиялар бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментига ҳар ойда ёки ёзма сўровнома асосида, Марказий банкнинг Тижорат банкларини назорат қилиш департаментига ёзма сўровнома асосида, Марказий банкнинг бошқа бўлинмаларига Марказий банк раҳбариятининг кўрсатмасига кўра тақдим этилади.

14. Марказий банкнинг бўлинмалари томонидан олинган кредит ахборотидан бошқа мақсадларда фойдаланилиши, шунингдек уларни учинчи шахсларга берилиши тақиқланади.

## **V. БКБ ВА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**

15. Реестрда сақланаётган маълумотлар БКБ ва тижорат банкларига фақат тегишли шартномалар асосида тақдим этилиши мумкин.

Юридик ёки жисмоний шахснинг кредит ажратиш ҳақидаги ёзма мурожаати банк учун ушбу шахс ҳақидаги кредит ахборотини реестрдан олиш учун асос бўлади.

16. Реестрдаги ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги шартнома тақдим этиладиган ахборотнинг ҳажми ва олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш ҳамда ошкор этилмаслиги бўйича томонларнинг мажбуриятлари тўғрисидаги мажбурий шартларни ўз ичига олиши шарт.

17. Реестрдаги ахборот БКБ ва тижорат банкларига Марказий банк томонидан ўрнатилган тартибда БАМ алоқа каналлари орқали шифрланган кўринишда юборилган электрон сўровномалар асосида тақдим этилади.

БКБ ва тижорат банкларининг сўровномаларига жавоблар тайёрлаш ва бериш реал вақт режимида амалга оширилади.

18. Тижорат банклари ва БКБ ўрнатилган тартибда тақдим этилган ва рўйхатдан ўтказилган кредит буюртмалари мавжуд бўлгандагина, реестрдан ахборот олиш ҳуқуқига эгалар.

Кўзда тутилаётган кафиллик берувчи, кредит таъминотининг эгаси ёки факторинг бўйича қарздор тўғрисидаги маълумотларни олишга фақат уларнинг ёзма розилиги бўлганда рухсат берилади.

БКБ ва тижорат банкининг сўровномасида буюртма берувчи тўғрисидаги ва кредит буюртмасининг банк девонхонасида рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумотлар қайд этилиши шарт.

БКБ ва тижорат банки томонидан реестрдан бошқа тартибда ахборот олинишига йўл кўйилмайди.

БКБ ва тижорат банклари реестрдан потенциал қарздор ва унинг кўзда тутилаётган кафиллик берувчиси ёки кредит таъминотининг эгаси ҳамда факторинг бўйича қарздор тўғрисида қуйидаги маълумотларни сўралган сана ҳолатига олиш ҳуқуқига эгалар:

- а) қарздорнинг тўлиқ номи;
- б) қарздорнинг солиқ тўловчининг идентификацион рақами ёки паспорт серияси;
- в) уч ой давомида қондирилмаган ёки рад этилган кредит буюртмалари сони;
- г) қарздор томонидан учинчи шахсларнинг мажбуриятлари таъминоти сифатида берилган кафилликлар сони;
- д) қарздор томонидан учинчи шахсларнинг мажбуриятлари таъминоти сифатида берилган кафилликларнинг умумий суммаси;
- е) банк коди (МФО);
- ж) кредит валютаси;
- з) кредит бўйича берилган сумма;
- и) кредит бўйича муддатли ёки муддати узайтирилган қарздорлик суммаси;
- к) кредит бўйича муддати ўтган қарздорлик суммаси (шу жумладан суд жараёнидаги сумма ва «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларига ўтказилган сумма);

л) муддати ўтган фоизлар суммаси (шу жумладан «Кўзда тутилмаган ҳолатлар» ҳисобварақларига ўтказилган фоизлар суммаси);

- м) кредит таъминотининг тури;
- н) гаровга қўйилган мулк номи;
- о) аввалги мажбуриятларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар.

Потенциал қарздор тўғрисида КАМИ реестридан олинган маълумотлар кредит буюртмаси бўйича кредит бериш ёки рад этиш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Банклар қонунчиликка асосан банк операцияларини амалга оширишга доир қарорлар қабул қилишда мустақилдирлар.

#### VI. ЖАВОБГАРЛИК

19. Тижорат банклари ахборотни тақдим этиш муддатлари бўйича ушбу Низом талабларини бузганда ёки ноаниқ ахборот узатганда қонунчиликка мувофиқ жавобгар ҳисобланадилар.

20. КАМИ, БКБ ва тижорат банклари қонунчиликда ўрнатилган тартибда мазкур Низомда белгиланган тартибда ахборот алмашинуви давомида уларга маълум бўлган банк сири бўлиб ҳисобланадиган маълумотларнинг сақланишини ва махфийлигини таъминлашга жавобгардирлар.

21. Тижорат банклари ва БКБ потенциал қарздор ёки унинг кўзда тутилаётган кафили ёки кредит таъминотининг эгаси ҳамда факторинг бўйича қарздор тўғрисида ушбу Низомда ўрнатилмаган тартибда КАМИдан ахборот олганликлари учун жавобгарликка тортиладилар.

22. КАМИ, БАМ, БКБ ва тижорат банклари кредит ахборотининг хавфсиз узатилиши ва тегишли сақланишини таъминлаш учун зарур бўлган барча ташкилий ва техник чораларни кўришлари лозим.

23. Мазкур Низом ва банк сири тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунчиликда ўрнатилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Низомга 1-ИЛОВА

### КРЕДИТ БУЮРТМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИ\*

№	Маълумотлар	Изоҳ
1	Жорий сана	Маълумотларнинг КАМИга тақдим этилган санаси
2	Банк коди	Банк коди
3	Кредит буюртмаси келиб тушган сана	Кредит буюртмасининг банкка тушган санаси
4	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар: юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса)
5	Тармоқ	Буюртма берувчининг тармоқ коди (юридик шахслар учун)
6	Кредит тури	Сўралаётган кредит тури
7	Сўралаётган кредит суммаси	Кредит буюртмаси (бизнес-режа)да кўрсатилган кредит суммаси
8	Кредитни қайтариш мўлжалланаётган муддат	Кредит буюртмаси (бизнес-режа)да кўрсатилган кредитни қайтариш муддати
9	Кўзда тутилаётган кафиллик берувчи ёки кредит таъминоти эгасини ёзма розилигининг мавжудлиги	Ҳа/йўқ
10	Кўзда тутилаётган кафиллик берувчи ёки кредит таъминотининг эгаси ҳамда факторинг бўйича қарздор тўғрисида маълумотлар	Юридик шахслар учун: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар; жисмоний шахслар учун: фамилияси, исми, шарифи, туғилган йили, яшаш жойи, паспорт маълумотлари, СТИР (агар мавжуд бўлса)
11	Таъминотнинг номи	Мулк гарови учун: мулк номи

\* Кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотларга лизинг ва факторинг шартномаларини тузиш бўйича буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киради.

**РАД ЭТИЛГАН КРЕДИТ БУЮРТМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИ\***

№	Маълумотлар	Изоҳ
1	Жорий сана	Маълумотларнинг КАМИга тақдим этилган санаси
2	Банк коди	Банк коди
3	Қарор қабул қилинган сана	Кредит буюртмасини рад этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган сана
4	Банк органи	Кредит буюртмасини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган банк органи
5	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар:
6	Тармок	Буюртма берувчининг тармок коди (юридик шахслар учун)
7	Рад этиш сабаби	Рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарорга мувофиқ кредит буюртмасини рад этиш сабабларининг баёни

\* Рад этилган кредит буюртмалари тўғрисидаги маълумотларга лизинг ва факторинг шартномаларини тузиш бўйича рад этилган буюртмалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам киради.

**КРЕДИТ, ЛИЗИНГ ҲАМДА УЧИНЧИ ШАХСЛАРДАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШINI ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚINI ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ (ФАКТОРИНГ) ШАРТНОМАЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР**

№	Маълумотлар	Изоҳ
1	Жорий сана	Маълумотларнинг КАМИга тақдим этилган санаси
2	Банк коди	Банк коди
3	Буюртма номери	Кредит буюртмасининг кредит ахбороти ягона реестридаги идентификация рақами
4	Шартнома тузишга асос	Банкнинг ваколатли органи (банк кредит кўмитаси, бошқаруви, кенгаши, акциядорларнинг умумий йиғилиши)нинг қарори ёки бошқа асослар
<b>КРЕДИТ ШАРТНОМАЛАРИ УЧУН</b>		
5	Шартнома рақами ва санаси	Кредит шартномаси рақами ва имзоланган сана
6	Кредит берилган сана	Кредит суммасининг қарздорни ссуда ҳисобварағига ўтказилган санаси
7	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар	Буюртма берувчи тўғрисида маълумотлар:
8	Тармок	Буюртма берувчининг тармок коди (юридик шахслар учун)
9	Кредит суммаси	Шартномада кўрсатилган кредит суммаси
10	Кредитнинг қайтариш санаси	Шартномада кўрсатилган кредитни қайтариш муддати
11	Кредитлаш объекти	Шартномада кўрсатилган кредитдан фойдаланиш мақсадлари
12	Кредит таъминотининг типи	Гаров, кафиллик, кафолат ёки кредит хатарини суғурталаш
13	Кредит таъминоти тўғрисида маълумотлар	Гаров: гаров тўғрисидаги шартнома реквизитлари, мулк баёни, баҳоси, гаров шартномасининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (агар мазкур гаров шартномасини давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлса). Кафиллик: кафиллик тўғрисидаги шартнома
14	Кредит бўйича фойзлар	Кредит шартномасида кўрсатилган кредит бўйича фойзлар миқдори
15	Кредит берилган валюта	Кредит берилган валюта коди
16	Кредит бериш шакли	Нақд пул билан ёки нақд пулсиз
17	Қайтариш шакли	Нақд пул билан ёки нақд пулсиз
<b>ЛИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИ УЧУН</b>		
18	Шартнома рақами ва санаси	Лизинг шартномаси рақами ва имзоланган сана
19	Шартноманинг нотариал тасдиғи	Шартноманинг нотариал тасдиғи (агар ушбу шартномани тасдиқлаш лозим бўлса)
20	Берилган сана	Лизинг объектининг лизинг олувчига берилган санаси
21	Лизинг олувчи тўғрисида маълумотлар	Лизинг олувчи тўғрисида маълумотлар:
22	Тармок	Лизинг олувчининг тармок коди (юридик шахслар учун)
23	Лизинг объекти тўғрисида маълумотлар	Шартномага мувофиқ лизинг объекти сони, сифати, таркиби, баҳоси ва бошқа параметрлари, рўйхатдан ўтганлиги (агар ушбу объект рўйхатдан ўтиши лозим бўлса)
24	Лизинг тўловлари миқдори	Шартномага мувофиқ лизинг олувчининг лизинг берувчига тўланиши лозим бўлган тўловлар
25	Шартноманинг амал қилиш муддати	Шартноманинг амал қилиши тугайдиган муддат
<b>ФАКТОРИНГ ШАРТНОМАЛАРИ УЧУН</b>		
26	Шартнома рақами ва санаси	Факторинг шартномаси рақами ва имзоланган сана
27	Мижоз тўғрисида маълумотлар	Мижоз тўғрисида маълумотлар: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар
28	Тармок	Мижознинг тармок коди
29	Қарздор тўғрисида маълумотлар	Қарздор тўғрисида маълумотлар: номи, СТИР, реквизитлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар
30	Тармок	Қарздорнинг тармок коди
31	Зиммасига олинadиган мажбурият тўғрисида маълумотлар	Факторинг шартномаси бўйича маълумотлар
32	Бировга берилadиган мажбурият миқдори	Мажбуриятнинг умумий суммаси (дисконтни ҳисобга олмасдан)
33	Мажбуриятни ижро этиш муддати	Факторинг шартномасига мувофиқ қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажариш муддати

**ҚАРЗДОРЛАР ТОМОНИДАН КРЕДИТ ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА  
ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИ**

№	Қарздор тўғрисида маълумот	Шартнома реквизит- лари	Кредит суммаси	Кредитни қайтариш муддати	Кредит- нинг ҳолати	Тўланма- ган асосий қарз қолдиғи	Тўланма- ган фоизлар қолдиғи	Муддати ўтган асосий қарз суммаси	Муддати ўтган фоизлар суммаси
1									
2									
3									

Низомга 5-ИЛОВА


**ҚАРЗДОРЛАР ТОМОНИДАН ЛИЗИНГ ШАРТНОМАЛАРИ  
БЎЙИЧА ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ  
МАЪЛУМОТЛАР**

№	Лизинг олувчи тўғрисида маълумот	Лизинг шартно- маси реквизит- лари	Лизинг шартномаси суммаси	Шартнома- нинг амал қилиш муддати	Лизинг тўлов- ларини тўлаш муддати	Тўланмаган лизинг тўловлари қолдиғи	Муддати ўтган лизинг тўловлари суммаси
1							
2							
3							

Низомга 6-ИЛОВА

**ҚАРЗДОРЛАР ТОМОНИДАН УЧИНЧИ ШАХСЛАРДАН МАЖБУРИЯТЛАРНИНГ  
БАЖАРИЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ  
(ФАКТОРИНГ) ШАРТНОМАЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ  
БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИ**

№	Қарздор тўғрисида маълумотлар	Шартнома рекви	Шартнома бўйича қарздорнинг мажбуриятлари суммаси	Қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажариш муддати	Шартнома бўйича қарздор томонидан ўз мажбуриятларини бажаришнинг муддати ўтган суммаси
1					
2					
3					



# ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИДАГИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ

**Мустақиллик йилларида республикада қимматли қоғозлар бозорининг институционал ривожлантириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, тўлақонли ривожланган бозорни яратиш учун ҳали кўп иш қилиниши лозим.**

**Президентимиз И.А.Каримов Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2005 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йигилишида қилган маърузасида: «Қимматли қоғозлар бозорини, айниқса иккиламчи бозорни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш, рақобатга бардошли фонд бозорини ривожлантириш бўйича яқин истиқболга мўлжалланган самарали стратегияни ишлаб чиқиш, акциялар ва объектларнинг биржа савдоларида сотилишида ошкоралик тамойилларини кескин кучайтириш керак» деб таъкидлади.**

Шуни айтиш мумкинки, иккиламчи бозорнинг ривожли листинг компанияларини ташкил этиш ва уларнинг қимматли қоғозларни чиқарилиши жараёни билан ўзаро боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ҳиссасига фонд бозорида амалга ошириладиган битимларнинг талайгина қисми тўғри келади. Буни қимматли қоғозларга эгаллик қилиш ҳуқуқини қайд қилиш ва унинг ҳаракатини таъминлайдиган ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини ифодаловчи модел ҳам ишбилмайди (расм).

Биз инвестицияларга ихтисослашган янги тижорат банклари тузишнинг назарий ва амалий имкониятларини рад этмаймиз, бироқ бу банклар «Ўзбекистон Республикасида банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ тижорат банкларига ҳос барча операцияларни амалга ошириши шарт.

Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳажмини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, банклар асосан қисқа муддатли лойиҳаларни молиялаштирмақдалар, чунки ҳозирги пайтда кўпгина тижорат банклари узоқ муддатга инвестициялаш мумкин бўлмаган ресурсларга эгалар.

Назаримизда тижорат банклари томонидан облигациялар чиқариш узоқ муддатли инвестициялаш воситалари бўлиши мумкин. Шу билан биргалликда бу фонд бозорининг янги турдаги қимматли қоғозлар билан тўлдирилишига олиб келади.

Шунингдек, облигациялар чиқариш тижорат банкларига узоқ муддатли инвестициялаш учун маблағлар беради. Банк облигациялари эмиссияси орқали акциядорлик сармояси билан бирга банкнинг хусусий сармоясини ташкил қиладиган қарз сармояси ҳам шаклланади. Сармоянинг ошиши хусусий маблағлар ўсишига, банк ялпи сармоясида

уларнинг солиштирма улуши ортисига олиб келади, бу эса унинг барқарорлиги ва ишончилиги мустақамланишига ҳамда молиявий кўрсаткичларининг яхшиланишига хизмат қилади. Тижорат банклари облигациялар чиқариш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини тўплаши, уларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига инвестициялаб, фонд бозорининг ривожига туртки бериши мумкин.

Облигациялар чиқаришда банк уларни чиқариш чоғида жалб этган маблағ бўйича мажбурий захира яратиш талаб этилмайди;

- облигация чиқаришда акциялар эмиссиясига нисбатан муайян афзалликларга эга бўлиш. Облигацияларни сотишда эмитентдан банкда махсус жағмарма ҳисобрақами очиш талаб этилмайди ва сотишдан тушган маблағлардан банк фаолиятида фойдаланиш мумкин;

- чиқарилган облигацияларнинг дастлабки эълон қилинган ҳажмга нисбатан энг кам тўпланадиган улушини белгилаш (облигация чиқариш якунларини рўйхатга олиш учун эришиш зарур бўлган);

- солиққа тортиладиган базанинг камайиши. Облигациялар бўйича тўланадиган фоизлар «Операцион харажатлар»га киритилади ва банкнинг солиққа тортиладиган базаси камайди.

Бироқ, шу билан бирга облигациялар муддати ва алоҳида эмиссия қоидалари билан боғлиқ бўлган облигациянинг жойлаштирилмаслиги хатари ҳам мавжуд.

Облигациянинг муомалада юриш муд-

лар миқдорини жалб этишга ишончи камил бўлмаса, облигация чиқаришга жазм қила олмайди. Буни тушунтириб бериш осон. Инфляция юқори бўлган шароитда қоплаш муддати уч ой ва ундан юқори бўлган қимматли қоғозларга ички талаб жуда кичик бўлади.


Юқорида баён қилинганлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, қимматли қоғозлар бозорининг ҳозирги ҳолати ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги тижорат банкларига янги маҳсулотлар - қимматли қоғозлар турларини жорий этишга имкон беради. Банклар олдида турган ресурс жалб этиш муаммосини фонд бозорида кенг фойдаланиладиган турли молия воситалари эмиссияси орқали ҳал этиш мумкин. Эмиссия ҳисобидан маблағ жалб этиш фойдалилик, самарадорлик, банк фойдасига ижобий таъсир қилиш тамойилларига таянган ҳолда чуқур таҳлил асосида ташкил этилиши лозим. Ушбу вазифани ҳал этиш йўлларида бири банк облигациялари - капитал қарз мажбуриятлари эмиссияси бўлиши мумкин.

Банклар ўз облигацияларининг жозибдорлигини ошириш учун уларга улушли ва қарзли иштирок этиш хусусиятини бериши, конвертацияланадиган облигацияларни чиқариши мумкин. Конвертацияланадиган облигациялар эмиссияси эмитент акцияларининг қўшимча эмиссиясини жойлаштириш усули ҳисобланади, шартли шукки, конвертациялаш ҳуқуқи бевосита акция чиқаришга нисбатан юқори нархда сотилиши лозим. Қарз мажбуриятлари эмиссияси технологияси бу узоқ давом этадиган ва мураккаб жараён эканлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, тижорат банклари фонд бозорида катта имкониятларга эга, фақат улар бу имкониятлардан фойдаланишда аниқ ҳисобкитоблар ва пухта инвестиция сийёсатига таяниши лозим. Бу эса ўз навбатида республика фонд бозорининг ривожланишига, бу бозордаги тижорат банклари мавқеининг кучайишига, шунингдек, мамлакат фонд бозорининг халқаро сармоя бозорларига уйғунлашувига хизмат қилади.

**Қахрамон ҲАСАНОВ,**  
**акциядорлик-тижорат**  
**«Пахта Банк»нинг Бухоро**  
**вилоят Бошқармаси бошлиғи**  
**ўринбосари,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти ҳузуридаги**  
**Давлат ва жамият қурилиши**  
**академияси тингловчиси.**

**Расм. Қимматли қоғозларга эгаллик қилиш ҳуқуқини қайд қилиш ва унинг ҳаракатини таъминлаш ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги**



Назаримизда, тижорат банклари облигациялар чиқаришда бир қанча афзалликларга эга. Эмиссия уларга қуйидаги имкониятларни беради:

- мажбурий захиралашдан қутилиш.

дати камида бир йил қилиб белгиланиши ва мамлакатимиз фонд бозорида бундай облигациялар эмиссияси унчалик машҳур эмаслиги сабабли бирор-та ҳам эмитент етарлича «узун» ресурс-

**«Banklararo maslahat xizmati» компанияси томонидан**  
**2006 йил 10-11 июл ҳолатига ҳисобланган UZIBOR, UZIBID ва UZIAR**

Номи	1 кун		1 ҳафта		1 ой		2 ой		3 ой		6 ой		9 ой*		12 ой	
	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid	Offer	Bid
"Асака" банк	6↓	5↓	8↓	6↓	10↓	7↓	10↓	8↓	11↓	10↓	11↓	10↓	12↓	11↓	12↓	11↓
"Капиталбанк"	11↑	10↑	13↑	12↑	14↑	13↑	15↑	14↑	15↑	14↑	16↑	15↑	16↑	15↑	16↓	15↓
"Ғаллабанк"	10↑	9↑	11↑	10↑	12↑	11↑	12↓	11↑	14↑	13↑	14↓	13,5↑	15↓	14↑	16↑	15↑
"Ипак йўли" банки	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
"Ипотека банк"	11↑	9↑	14↑	12↑	15↓	13↑	16↑	14↑	17↑	15↑	18↑	16↑	18↑	16↑	18↓	16↑
Халк банк	12↓	10↑	14↑	12↑	15↓	13↓	16↓	14↑	16↓	14↑	16↓	14↑	16↓	14↓	16↓	14↓
ЎзР ТИФ МБ	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
"Пахта Банк"	10↓	8↓	11↓	9↑	12↓	10↑	14↑	11↑	15↑	12↑	15↓	12↓	16↓	13↓	17↓	14↓
"Раввакбанк"	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a	n/a
"Трастбанк"	10↑	5↓	12↑	6↓	15↑	7↓	15,5↑	7,5↓	16↑	8↓	17↑	9↓	17↑	10↓	18↑	11↓
Ў-Т банк	11↓	8,5↑	11,5↓	9↓	12↓	9,5↓	12,5↓	10↓	13↓	10,5↓	13↓	13↓	14↓	13↓	14↓	14↓
"Ўзсановатқурилишбанк"	11↓	8↓	12↓	9↓	13↓	10↓	14↓	11↓	15↓	12↓	16↓	13↓	16↓	13↓	17↓	14↓
<b>UZIBOR</b>	10,6↑		11,9↑		13,2↑		14,2↑		15↑		15,4↓		15,8↓		16,4↓	
<b>UZIBID</b>	8,38↑		9,25↑		10,13↑		10,75↑		11,88↑		12,88↑		13,25↑		14↓	
<b>UZIAR</b>	9,44↑		10,31↑		11,53↑		12,19↑		13,19↑		14,19↑		14,63↑		15,13↓	

Offer — сотиш; Bid — харид қилиш

## ХОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

ИНКАССАТОРЛАРНИНГ  
ФУТБОЛ МАЙДОНИДАГИ  
МУВАФФАҚИЯТИ

«Хомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурини бажариш мақсадида мамлакатимизнинг барча корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларида спорт байрамлари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон Республикаси банклари ассоциацияси Касаба уюшма қўмитаси томонидан банклараро республика турнири бўлиб ўтди. 14 та футбол жамоаси иштирокида ўтган ушбу беллашув ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетди, мусобақалар ҳаяжонли дамларга бой бўлди.

Айниқса республика Марказий банки футбол жамоаси билан республика Инкассация бирлашмаси командаси ўртасидаги баҳс ниҳоятда қизгин кечди. Иккала жамоа ҳам юксак маҳорат кўрсатиб, ҳисоб 4:4 бўлиб турган, кўп сонли муҳлисларнинг ҳайқириқлари ўйингоҳни ларзага солаётган лаҳзаларда ҳужумчилар Сардор Мирзаев ва Обид Толипов-

ларнинг қилган ҳаракатлари натижасида Инкассация бирлашмаси футбол жамоаси олдинга чиқиб олди. Футбол ишқибозлари Марказий банк футболчилари гол кирита олишармикин, ўйин дуранг билан тугармикин деган ўй билан майдондан кўз узмадилар. Аммо мўъжиза юз бермади. Бирлашма футболчилари 5:4 ҳисобда ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

Финалда Инкассация бирлашмаси ва «Ўзсаноатқурилишбанк»и футбол жамоалари рўбарў келишди. Бу саваб омад футолчиларимиздан юз ўғирди, айрим ўйинчиларимизга олдинги учрашувларда берилган жазо ёки олган травмалари туфайли ҳал қилувчи ўйинни ўтказиб юборишларига тўғри келди. Бу эса «Ўзсаноатқурилишбанк»и футболчиларига қўл келиб голиблик шохсупасига кўтарилдилар.

Агар ушбу натижани Инкас-

сация бирлашмаси футбол жамоасининг ўтган йили эришган ютуғи билан қиёласак, футолчиларимизнинг 4-ўриндан 2-ўринга чиқиб олишганини анча муваффақиятли деб баҳолаш мумкин.

Ходимларни соғломлаштириш бўйича олиб борилган катта кўламдаги ишлар бу муваффақиятга замин бўлди. Жумладан, республика Инкассация бирлашмаси раҳбарияти томонидан жамоа аъзолари орасида спортни оммалаштириш, инкассаторлар ва ҳайдовчиларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарликларини, маънавий савияси ҳамда ҳуқуқий билимини ва касбий маҳоратини ошириш, спортга жалб этиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Инкассация бирлашмаси Бош директорининг биринчи ўринбосари Т. У. Ўроқбоев раҳбарлигида ва бирлашма Касаба уюшмаси раиси А. Джуроев мураббийлигида турнирда қатнашган футбол жамоамизнинг ютуғи бирлашманинг барча ходимларини руҳлантирди, уларда ўз хизмат вазифасини бажаришга масъулият ҳиссининг кучайишига сезиларли таъсир кўрсатди, уларни илғорлар сафида бўлишга ва ютуқларга эришишга илҳомлантирмоқда.

Ушбу галабага футбол жамоамизнинг барча аъзолари ўзининг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги билан эришди. Айниқса, ҳужумчилар Сардор Мирзаев ва Обид Толипов, турнирнинг энг яхши ярим ҳимоячиси сифатида қимматли совға билан тақдирланган Комил Орипов ўзларининг маҳоратларини намоиш қилиб жамоанинг галабасига катта ҳисса қўшдилар.

**Музаффар Жўраев,**  
республика Инкассация  
бирлашмаси маънавият  
ва маърифат бўйича  
катта мутахассиси.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ МИРИҚИБ ДАМ  
ОЛИШМОҚДА

Ёз — таътиллар мавсуми. Айниқса ўқувчи-ёшлар бу фаслни интиқлик билан қарши оладилар. Ёзги таътил мобайнида уларнинг қай даражада дам олиши эса, аввало ота-оналарга, шунингдек мавсумий дам олишни ташкил этувчи ташкилотларга боғлиқдир. Мана шундай ташкилотлардан бири — бу республика Касаба уюшмалари федерацияси бўлиб, у бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб барча сўлим гўшаларда ёш авлод учун ёзги дам олиш оромгоҳларини ишга туширган.

Биз банк тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг фарзандлари қайси оромгоҳларда дам олаётганликлари билан кизиқиб кўрдик.

Банкимизда жами 230 га яқин ходим фаолият юритади. Уларнинг кўпчилигини эса, виллоятлардан келиб ишлаётганлар ташкил этади. Табиийки, ёзги таътил пайтида улар фурсатдан фойдаланиб, фарзандларини ўзлари улғайиб-ўсган қишлоққа, яъни ота-онасию, ака-опалариникига жўнатадилар, дейди «Микрокредитбанк» АТБнинг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Эрkinой опа Шукурова. — Бироқ шунга қарамай, бўлимимизга 50 га яқин ходимлардан ўз фарзандларини шахар ва шахардан четда жойлашган оромгоҳларга жалб этиш учун аризалар келиб тушди. Биз уларнинг мурожаатларини бажонидил қабул қилиб, республика касаба уюшмасига маълум миқдорда пул ўтказдик. Ҳозирги пайтда «Микрокредитбанк» ходимларининг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган фарзандлари «Қизил сой», «Алгоритм» ҳамда «Машъал» каби оромгоҳларда мириқиб дам олмоқдалар.

Мен 3 йилдан буён «Гулистон» оромгоҳига келиб дам олиб кетаман, — дейди АТ «Пахта Банк»нинг ахборот технологиялар маркази бўлими бошлиғи Гофур Эргашевнинг 13 ёшли ўғли Дилшодбек. — Бу ер менга кўпроқ ҳавоси ва чўмилиш ҳавзалари билан ёқади. Янги дўстлар орттириш ва тарбиячилар томонидан ташкил этилган турли хил ўйинлар эса, менинг дам олиш давримни янада бойитади.

Банк тренинг маркази сектор бошлиғи Сайёра Юлдашева, архив бўлими ходими Бахтиёр Жўраев, пул муомаласини ташкил этиш бош бошқармаси бўлим бошлиғи Мелитожи Ўринбоевларнинг айтишича, уларнинг фарзандлари ҳам ҳар йилги ёзги таътилни интизорлик билан кутишар экан. Бу эса, уларнинг оромгоҳларда мароқли дам олаётганликларидан далолатдир.

Маълумотларга кўра, ҳозиргача «Пахта Банк» касаба уюшмаси бўлимига ариза билан мурожаат қилганлар сони 60 га яқин бўлиб, бу кўрсаткич 3-4 дам олиш мавсумларининг бошланишига қадар ўзгариб боради. «Семург», «Камалак», «Гулистон», «Қизил сой», «Алгоритм» каби жойлашиш ўрни ва иқлими бўйича бир-биридан фарқланувчи мазкур оромгоҳларнинг қайси бирида дам олишни эса, жажжи болаларнинг ўзлари танлашар экан.

Шунингдек, 260 дан ортиқ ходим фаолият юритувчи «Галабабанк» РАТБда бу борадаги ишлар жадал суръатларда давом этмоқда. Банк касаба уюшмаси бўлимининг маълумот беришича, фарзандларини оромгоҳларга юбораётган ходимлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ушбу бўлимга ҳозирга қадар тушган мурожаатномалар сони 70 дан ошган. Бундай йилдан-йилга, кундан-кунга ошиб бораётган кўрсаткич нафақат болалардаги дам олиш оромгоҳларига бўлган талабларнинг ўсиши билан белгиланади, балки банк фаолиятининг кенгайтиши ва шунга монанд ходимлар сонининг ортишига ҳам боғлиқдир.

Нима ҳам дердик, мамлакат иқтисодий раёқининг асосини ташкил этувчи молиявий механизм бўлмиш банк тизими бундан-да кенгаверсин. Унда фаолият юритаётган барча ходимларда куч-ғайрат ортаверсин. Айни пайтда ташаббускор, меҳнатқаш ота-оналари шарофати билан мароқли дам олаётган жажжи болаларга эса, яхши дам ҳамроҳ бўлсин деб қоламиз. Зеро, келажакимиз бўлган ёш авлодни ўз вақтида тўғри парваришлай эртанги кунимизда фақат ва фақат ижобий натижаларни олиб келади.

Гулшан ЮСУПОВА.

ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ

• Молия ва кредит, Халқаро валюта-кредит муносабатлари, бухгалтерия ҳисоби, аудит ва бошқа мутахассисликлар бўйича олий иқтисодий маълумотга эга бўлган;

• чет тиллар (асосан инглиз тили)ни биладиган;

• банк тизимида камида 3 йил иш стажига эга бўлган;

• Тошкент шаҳрида доимий яшаш учун рўйхатдан ўтган иқтисодчиларни танлов асосида

ИШГА ТАКЛИФ  
ЭТАДИ

Мурожаат учун  
телефонлар:  
112-60-65,  
112-58-78

«ОДИЛ  
АУДИТ»НИНГ  
СЕРТИФИКАТЛАРИ  
ТЎХТАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-Қарори билан тасдиқланган «Аудиторлик ташкилотларига аудит ўтказиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш тартиби тўғрисида»ги Низоми, шунингдек Марказий банкнинг тижорат банкларида ўтказиладиган аудит текширувларига қўйиладиган талаблари бузилганлиги (тижорат банкларида ўтказилган аудит текширувлари юзаси амалга оширилганлиги ва банкнинг молиявий ҳисоботлари тўғрисида ҳаққоний бўлмаган хулоса берилганлиги) сабабли «Одил Аудит» МЧЖ аудиторлик фирмасининг банкларда аудит ўтказиш ҳуқуқини берувчи сертификати ҳамда аудиторларининг маънавий сертификатларининг амал қилиши тўхтатилди.

Марказий банк матбуот хизмати.

## BANK AХБОРОТТОМАСИ

АХБОРОТ—ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА  
МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки

Жаҳон иқтисодий ва  
дипломатия университети

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

Тадбиркорликни ахборот билан  
қўллаб-қувватлаш «Заковат»  
ижтимоий жамғармаси

ТАҲРИР КЕНГАШИ:

Файзулла Муллажонов

(Тахрир Кенгашининг раиси),

Ашур Қодиров

(Тахрир Кенгашининг раис ўринбосари),

Равшан Охунов

(Тахрир Кенгашининг

масъул котиби),

Раҳмон Каримов

Абдурахмат Боймуротов

Баҳодир Хўжаев

Михаил Перпер

БОШ МУХАРРИР

Шавкат Назаров

БОСИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ:

«Moliya yangiliklari agentligi» МЧЖ

АХБОРОТ ХИЗМАТИ КўРСАТУВЧИЛАР:

ЎзА, «Туркистон-пресс» НАА,

«Иқтисодий ахборот агентлиги»,

«Бухоро-пресс» АА.

Реклама ва эълонлар учун

134-13-13

телефони орқали мурожаат қилинг.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

700000, Тошкент,

Ғ. Маълонов кўчаси, 1а-уй.

e-mail: bankingnews@tshtt.uz

www: finance.uz

Босилган материаллар муаллифларининг нўқтай назари таҳририятнинг нўқтай назарига мос келмаслиги мумкин. Рекламаларнинг мазмуни учун реклама берувчиларнинг ўзлари масъулдир.

Таҳририятнинг ёзма розилиғи бўлганидагина, «БА»да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат бериллади. Кўләзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ⓣ Материал тижорат асосида чоп этилмоқда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 137-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Ғ-903

Тираж 5231 нусха.

Босишга рухсат этилди

11.07.2006 й.